



Ортиқбек ЮСУПОВ,
*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
 Дин ишлари бўйича қўмита раиси*

Юртимиз истиқлолга эришгач, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш асосий вазифа этиб белгилаб олинди. Бу биринчи навбатда фуқароларнинг ҳар бир соҳадаги эркинликларини қонуний асосда кафолатлашдан бошланди. Худди шундай эркинликлардан бири эътиқод, виждон эркинлигидир.

ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистонда турли дин вакилларининг ҳеч қандай тўсиқларсиз ўз динларига эътиқод қилишлари учун зарур шароитлар яратилган. Республикадаги диний ташкилотлар мустақил ҳуқуқий шахс сифатида ер майдони ва уй-жойга эга бўлишлари, диний адабиётларни нашр этишлари, диний мутахассислар тайёрлашлари, турли тадбирлар ўтказишлари, муқаддас жойларга зиёратлар ташкил этишлари мумкин. Шу асосда диндорлар ўзлари хоҳлаган динга эмин-эркин эътиқод қилиб, ундаги барча амал ва маросимларни тўлиқ бажармоқдалар.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ Ватанимиздаги миллий ва умуминсоний қадриятлар ривожини тарихида янги давр бошланди. Мамлакатимизда бошқа бир қатор соҳалар билан бирга диний омилнинг ижтимоий ва маънавий ҳаётдаги ўрнига бўлган муносабат тубдан ўзгарди.

Юртбошимиз Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида динга муносабатни қуйидагича ифодалаган: «Биз дин бундан буён ҳам аҳолининг энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд бўлиши тарафдоримиз».

Мамлакатимиз тарихан кўп миллатли ўлка бўлганлиги туфайли бу заминда турли-туман дин вакилларининг эмин-эркин яшашлари учун барча шароитлар яратилган. Юртимиздаги бошқа ташкилотлар қатори диний жамоалар ҳам жамият тараққиётида тобора фаол иштирок этиб, халқимиз маънавиятини юксалтириш ва қадриятларини тиклаш, ўзлигимизни англаш, энг асосийси, мустақиллигимизнинг мустаҳкам ва боқий бўлишига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Ҳақиқатдан ҳам миллий қадриятларни тиклаш, ўз навбатида, ўзликни англашга, миллий ҳис-туйғу ва ифтихорни ривожлантиришга самарали таъсир этади. Масалан, ёшлар ўз бобокалонларининг илмий, адабий меросларини қанчалик яхши билсалар, булардан маънавий, айниқса, илмий озуқа олиш билан бирга, улар билан фахрланадилар, уларга тақлид қиладилар.

Миллий ва диний қадриятларнинг ҳаётимизда муҳим ўрин тутиши, тарихий хотирамизни тиклаб, ўзлигимизни англашимиздаги аҳамияти, янги жамият қуришда муҳим куч-қудрат манбаи экани Юртбошимизнинг қуйидаги пурмаъно фикрларида яққол ифодасини топган: "... биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда асло тасаввур қила олмаймиз. Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз».

Истиқлол туфайли динимиз ва миллий қадриятларимиз қайта тикланди. Ислом маданиятига мансуб бўлган минг йиллик тарихга эга, ўтмиш қаъридан оламга нур таратиб келган муқаддас обидалар, масжид ва мадрасалар мўмин-мусулмонларга қайтариб берилди. Аждодларимиздан қолган тарихий меросларимиз қайта тикланди, уларнинг илмий асарлари ёш авлод томонидан кенг ўрганила бошланди. Буларнинг самараси ўлароқ, халқимизнинг диний илмларга бўлган ташналигини қондириш мақсадида бир қанча диний-маърифий адабиётлар нашр этилди. Хусусан, Қуръони карим ва ҳадислар тўпламлари ўзбек тилига таржима қилинди, уламоларимизнинг тафсир ва Ислом ҳуқуқшунослигига бағишланган кўпгина китоблари чоп этилди.

Давоми 5-саҳифада

КОНСТИТУЦИЯМИЗ

АМАЛДА

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида дин ва виждон эркинлиги масалаларига ҳам катта эътибор қаратилган. Унда халқимиз маънавиятига хос бўлган имон-эътиқод, адлу инсоф, диёнат, ҳақиқат, олижаноблик, мардлик, меҳр-оқибат, ор-номус, иффат ва ҳаё каби энг эзгу фазилатларнинг қадрланиши жуда муҳимдир.

Дин давлатдан ажратилган бўлса-да, диний ташкилотлар, бирлашмалар қонун олдида тенгдирлар.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин ҳаётимизнинг барча жабҳаларида улкан ўзгаришлар рўй берди. Динга ва диндорларга муносабат ўзгарди. Масжид ва мадрасалар очилди. Қатор тарихий обидалар мусулмонлар ихтиёрига қайтариб берилди. Улкан илмий асарлари билан динимиз равнақиға бебаҳо ҳисса қўшган алломаларимизнинг мерослари ҳартомонлама ўрганила бошланди.

Президентимиз Фармони билан жойларда диний маърифат, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимининг жорий этилишини алоҳида таъкидлаш лозим. Фармон ижроси юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар аёллар оғирини енгил қилиш, ҳуқуқларини ҳимоялаш, маънавий савиясини юксалтириш, уларнинг мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирокини таъминлаш, айниқса, дин ниқоби остидаги ёвуз ниятли бузғунчи кимсалар таъсиридан сақлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мусулмонларнинг ибодатларни камоли ҳурмат билан адо этишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Жумладан, муборак ҳаж сафарига борувчи ҳожилар учун катта қулайликлар яратилиши, ҳайит кунларининг дам олиш куни этиб белгиланиши катта ғамхўрлик намунасидир.

Ислом динида Ватанга муҳаббат, эл-юртга садоқат улуғланади. Муҳтарам Юртбошимиз айтганларидек: “Шу азиз Ватан барчамизники”.

Бинобарин, ҳар бир инсон Ватан олдидаги фуқаролик бурчини яхши англамоғи, элим деб, юртим деб ёниб яшамоғи, шу давлат, жамият менга нима берди, деб эмас, балки мен ўзим Ватанимга, эл-юртимга нима бердим, деган шиор билан ҳаракат қилмоғи зарур.

Аллоҳ таоло тинчлик-хотиржамлигимизни бардавом қилсин, хонадонларимизга файзу баракотини зиёда айласин.

Абдураззоқ ЮНУСОВ,

Ўзбекистон мусулмонлари идораси
раисининг ўринбосари

«HIDOYAT»

Ойлиқ диний-маърифий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси
«Мовароуннаҳр» нашриёти

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Усмонхон АЛИМОВ
Абдулазиз МАНСУР
Абдураззоқ ЮНУС
Ортиқбек ЮСУПОВ
Анвар ТУРСУН
Аҳад ҲАСАНОВ
Зоҳиджон ИСЛОМОВ
Абдулҳамид ТУРСУН
Ҳайдархон ЙЎЛДОШХЎЖАЕВ
Баҳодир КАРИМОВ
Эркин МАЛИК
Муҳаммад Шариф ЖУМАН
Исомиддин АЛИМОВ
Абдул Жалил ХЎЖАМ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Муҳтарама УЛУҒОВА

Хаттот

Ислом МУҲАММАД

Бадий муҳаррир

Элнур НИЁЗ ўғли

Саҳифаловчи

Баҳром ИКРОМОВ

Маттни

Раҳима КАРИМЖОН қизи терди.

Манзилимиз

100002, Тошкент шаҳри
Зарқайнар 18-берк кўча 47^а-уй;
Тел: 227-34-30, 240-05-19.
Интернет сайтимиз: www.hidoyat.uz
Интернет почтаимиз: m-nashr@yandex.ru
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигида рўйхатга олинган.
Гувоҳнома рақами 0177.

Босишга 2013 йил 6 декабрда ружат берилди.
Босмаҳонага 2013 йил 13 декабрда топширилди.
Қоғоз бичими 60x84 1/8. Адади 62.000 нуска.
3256 - сон буюртма. «Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компаниясида босилди.
Тошкент шаҳри, Буюк Тўрон кўчаси, 41.

Қўлёзмалар қайтарилмайди.

*Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи
назаридан фарқ қилиши мумкин. Келти-
рилган иқтибос ва рақамлар учун муал-
лиф масъул. Хат юборилганида исмлар
тўлиқ, манзил аниқ ёзилсин. Мақолалар
кўчириб босилса ёки иқтибос олинса,
«Ҳидоят»дан олингани кўрсатилиши шарт.*

*Журналимиз саҳифаларида оят
ва ҳадислар берилётгани учун
уни ноҳоиз жойларга ташла-
маслигингизни сўраймиз.*

ТАФСИР **8** ТЕНГСИЗ НЕЪМАТ

Аллоҳ таоло инсон табиатини, унинг бир хил нарсалардан ва бир хил рангдан зерикашини билади. Шунинг учун меваларнинг тури, таъми ва навини турли хил қилиб қўйган. Аллоҳ таоло бу неъматларни бандалари шукр қилишлари учун шундай мукамал қилиб яратган.

ҲАДИС ШАРҲИ БАРЧА ЁМОНЛИКЛАРНИНГ БОШИ **14**

Ғазаб қалбда кин ва ҳасадни пайдо қилади ҳамда бошқа кўпгина ёмонликларни ичга жойлаштиради. Ҳатто айтиш мумкинки, ғазаб билан ҳосил бўладиган биринчи ҳолат ботиннинг хунуклашишидир. Ташқи ўзгаришлар аслида ички ўзгаришларнинг натижаси ва самараси. Айтилганларнинг ҳаммаси ғазабнинг баданга таъсиридир.

МАСАЛА **16** СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Болаларини оч ва муҳтож ҳолда ташлаб қўйиб, ўзи чет элларда ялло қилиб юриш мусулмон одамга ярашмайди. Соғлом, ишга яроқли бўла туриб оиласини бошқалар қўлига қаратиб қўйиш ўзини эр билган киши учун номусдир. Билиб-билмай шу ҳолга тушиб қолганлар дарҳол ўзларини ўнглаб олсинлар ва Аллоҳдан қўрқсинлар! Эрта бир кун молини қаердан ва қандай топгани, уни қайси ўринларга сарфлагани ҳақида ҳам батафсил ҳисоб беришларини эсда тутсинлар!

ХАБАРЛАР ИСЛОМ ВА ОЛАМ **20**

ЗИЁРАТЧИЛАР КАМАЯДИ

Саудия Арабистони мусулмон мамлакатларига илтимоснома мактубини юборди. Хатда табаррук заминга ҳаж ёки умра амалини адо этиш учун келаётган зиёратчилар сонини вақтинча қисқартириш баён қилинган.

МУНДАРИЖА

8 декабр – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

Ортиқбек ЮСУПОВ

Эътиқод эркинлигининг

ҳуқуқий асослари 1

Таянч нуқта

Абдураззоқ ЮНУСОВ

Конституциямиз амалда 2

Яхшиликка чақириш

Абдулҳамид ТУРСУНОВ

Тафаккур ва шукрга ўрганайлик 4

Долзарб мавзу

Қонуний миграция ҳимоя қилинади 6

Шарофиддин МУСАБОЕВ

Муносабат

Дунёни ўртаётган муаммо 7

Эътироф

Муродулла ҚАРШИЕВ

Ҳар доим асқотади 9

Огоҳлик

Шаҳноза АКРАМОВА

Гижгижловчилар ҳамиша топилади 10

Обуна – 2014

Яхшиликка ундаш ҳам яхшиликдир 12

Анжуман

Ибодулла АҲРОРОВ, Муҳаммад СИДДИҚ

Синовлардан ўтган бағрикенглик 13

Бугуннинг гапи

Абдулазиз МЎМИНОВ

Олий хислат 15

Бугуннинг гапи

Мағфиратхон СОТВОЛДИЕВА

Дабдабага берилиш офати 18

Долзарб мавзу

Зиёда ФАРҲОДОВА

Жабр кўрганларга ёрдамлашамиз 19

Шеърят

Тўғри йўлга бошла, ё Аллоҳ... 24

Сайёра АBAЗОВА

Дилбандингдан воз кечма, аёл! 24

Ситора ШАМСИДДИНОВА

Сўра 24

Бердиёр ТОШТЕМИРОВ

Набираларимга 25

Абдуғани ТУРДИБЕКОВ

Имонга эргаш 25

Аёллар саҳифаси

Зумрад ФОЗИЛЖОН қизи

Четдаги аёл... 26

Янги нашрлар

Карим БАҲРИЕВ

“Миграция, меҳнат ва хавфсизлик” 28

Тафаккур

Раҳматуллоҳ САЙФУДДИНОВ

Дангасалик балоси 29

Мусулмон одоби

Сайфиддин САЙФУЛЛОҲ

Дуо ибодат мағзидир 30

Рангин туйғулар

Ғиёсиддин МУҲАММАД ЮСУФ

Хотиржамлик маскани 31

Минтақа

АҚШдаги ватандошларимиз 32

Аллоҳ таоло барчаларимизни атрофимиздаги ҳар бир нарсадан ибратланишга, биз учун яратиб қўйган ҳисобсиз неъматлар учун шукрона айтишга буюрган.

Тафаккур ва шукрга ўрганайлик



“Осмонлару Ернинг ҳукмронлиги Аллоҳга тегишлидир. Аллоҳ ҳар нарсага қодирдир. Албатта, осмонлару Ернинг яратилишида ва кеча-кундузнинг алмашиниб туришида ақл эгалари учун аломат-далиллар бордир” (Оли Имрон, 189–190).

Еру осмонлар, улардаги бор мавжудотлар ҳақида фикр юритиб, мулоҳаза қилган киши барча ҳукмронлик фақат Аллоҳга тегишли экани, Унинг ҳамма нарсага қодирлигига тўла имон келтиради.

Ҳар бир мавжудотнинг беқиёс ва бетакрорлиги Яратувчининг буюк ҳикмати ва улуғ қудратию азаматига далолатдир. Аллоҳ яратган барча махлуқот ақл эгалари учун аломат ва ибратдир.

Аллоҳ таоло бизга шундай гўзал, жаннатмакон юртни Ватан қилиб берди. Бунда тўрт фасл тугал, мукамал кечади. Инсонларнинг ер юзида ҳаёт кечиришлари, унда экин-тикин қилишлари, шаҳар-қишлоқлар қуришлари, бола-чақа қилишлари, Ер неъматларидан фойдаланишлари Яратганнинг улуғ фазли, буюк ҳикмати билан амалга ошади.

Атрофимиздаги наботот оламига бир ибрат назари билан қарайлик. Қандай ажиб ва бетакрор. Шайх Саъдий: «Дарахтларнинг кўм-кўк япроғи ҳар оқилга Худони танитадиган дафтардир», дейди. Ёки бир дона буғдой донини олиб кўринг. Ана шу бир дона жимитгина донни эксангиз, ундан етти бошоқли майса униб чиқади, ҳар бошоқда юзтадан дон бўлади. Аллоҳнинг қудратини қаранг, у бир дона донни етти юз баравар кўпайтириб, бандаларига ризқ-рўз қилиб беради.

Коинотнинг қатъий ва мустаҳкам тартибида, табиат қонунларида, олам яралишининг

гўзаллигида, теварагимиздаги ҳамма нарсаларда Аллоҳнинг тенгсиз қудрати ва чексиз ҳикмати яққол кўриниб турибди. Ҳаёт жозибаларида, товус патининг ранг-баранг товланишида, капалакларнинг чиройли қанотларию гулларнинг хушбўй ҳидида, булбуллар хонишию чақмоқнинг чақнашида, шамоллар шовқинию кишиларнинг фикр-амалларида, “коинот” дея аталмиш бу улуғ ва уйғун хилқатда юлдузлар ҳамда сайёраларнинг ўзаро боғлиқлигида Аллоҳ таолонинг буюк Холиқлиги, Мусаввирлиги, тенгсиз Қудрат, Ҳикмат эгаси экани яққол кўриниб турибди.

Демак, тафаккур қилиб, Аллоҳ таоло берган барча неъматларнинг қадрига етиб, шукр қилишимиз керак. Бизлар чин имон ва ихлос билан яшасак, Аллоҳ таоло ризқимизга янада барака беради. Пайғамбаримиз (соллалоҳу алайҳи ва саллам) бундай марҳамат қиладилар: “Қайси бирингиз тонгда уйқудан уйғонганида оиласи тинч, тани соғ ва уйида бир кунлик егулиги бўлса, билсин, унда дунёдаги барча неъматлар мужассам экан”. Инсон ҳар доим берилган неъматлар шукрини адо қилишга интилиши керак. Баъзилар қаноат қилмай, жонларини таҳликага қўйиб, бойлик илинжида, ноқунуний йўллар билан чет элларга кетади. Оқибатда, ўзини ҳам, оиласини ҳам кўп қийинчиликларга дучор этади. Айниқса, катта ҳаёт остонасида турган ёшларимизга тафаккур, шукр, сабр-қаноат каби фазилатларни эгаллаш, илм-ҳунар ўрганиш сув ва ҳаводай зарур. Қалб кўзи очик, касб-ҳунарли одам ҳеч қачон бировга қарам бўлиб қолмайди.

Абдулҳамид ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг
Фатво бўлими мудир

ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Исломи дини баркамол авлодни тарбиялаш, маънавий ва ахлоқий юксакликка даъват этиш, уни ёмонликлардан, қабих амаллардан қайтариш хусусиятлари билан ажралиб туради. Шу сабабли ҳам жамиятимиз миллий, диний-маърифий асослари ташкилий бўғинларидан бири саналган Исломи дини ҳозирги маънавий-ахлоқий юксалишимизнинг манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Маънавий қадриятларимизни тиклаш борасида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Хива, Андижон, Фарғона каби шаҳарлардаги тарихий ёдгорликларни таъмирлашга катта аҳамият берилди. Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Бакр Қаффоли Шоший, Абдуллоҳиқ Ғиждувоний, Бурхониддин Марғиновий, Баҳоддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий ва бошқа улуғларимиз номлари билан боғлиқ жойлар, Шоҳи Зинда, Кўкғумбаз мажмуалари, масжид ва мадрасалар ободонлаштирилди.

Диний таълим тизимига ҳам алоҳида эътибор берилди. Илгари фақат Бухородаги “Мир Араб” мадрасаси ва Тошкентдаги Имом Бухорий номидаги Исломи олий маъҳади бор эди. Бу соҳада туб ислохотлар амалга оширилди. Тошкент Исломи институти ва 9 та Исломи ўрта-маҳсус билим юртлари – мадрасаларнинг фаолияти йўлга қўйилди, уларда таълим Давлат стандартига тўла мослаштирилди. Мазкур ўқув юртларида билим олаётган фарзандларимиз диний ва дунёвий билимлар билан бир қаторда турли касб-хунарларни ҳам ўрганмоқдалар.

Аждодларимиз бебаҳо меросини мукамал ўрганиш ва олий маълумотли кадрлар тайёрлаш мақсадида Президентимизнинг Фармони билан 1999 йилда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент Исломи университети очилди. Унда бугунги ёш авлодга улкан ва бой маданиятимизнинг узвий масалалари бўлмиш исломи назарияси, тарихи, фалсафаси, ҳуқуқшунослиги, маданияти ва ахлоқи, табиий фанлар чуқур ўргатилмоқда. Бу илм маскани халқимиз маънавиятини юксалтиришга, тарихи минг йилдан кўҳнароқ исломий меросни янада теранроқ ўрганиш, динимиз равнақи, унинг тараққиётига хизмат қиладиган, диний ва дунёвий замонавий билимларни пухта эгаллаган мутахассисларни тайёрлашга хизмат қилмоқда.

Фан, таълим ва маданият масалалари бўйича Исломи ташкилоти АЙСЕСКОнинг Тошкент шаҳрига 2007 йили “Исломи маданияти пойтахти” мақомини бериши мамлакатимиз ҳаётида улкан маданий-маънавий воқеа бўлди. “Шарқ дарвозаси” деб ном олган азим пойтахтимизнинг

ана шундай юксак мақомга эришгани нафақат халқимизга, яқин ва узоқдаги дўстларимизга ҳам қувонч ва ифтихор бағишлади.

Юртбошимизнинг Тошкент шаҳрига “Исломи маданияти пойтахти” мақоми берилиши муносабати билан: “Бугун биз гувоҳ бўлиб турган юксак эътироф, аввало, асрлар мобайнида дунёвий ва диний илмлар соҳасида қандай буюк кашфиётлар яратган, бунинг учун қанча заҳмат ва машаққатлар чеккан аждодларимизнинг табаррук номлари ва қолдирган меросига, ўзбек халқининг исломи маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасига берилган муносиб баҳо десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз”, деган фикрлари юқоридаги эътирофнинг ёрқин тасдиғидир.

Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли жаҳон ҳамжамияти нигоҳида кундан-кунга эътибор қозониб бормоқда. Жамиятимизнинг маънавий янгиланиш жараёнида халқимиз маданий меросининг ажралмас қисми – миллий ва диний қадриятларнинг ўрни ва аҳамиятига катта эътибор қаратилмоқда. Шу боис, буюк аждодларимиз, жумладан, Имом Бухорий ҳазратларининг ҳаёти ва бой илмий-маънавий меросини ўрганиш, уни мамлакатимизда ва хорижий юртларда кенг қўламда тарғиб қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Президентининг Қарорига биноан 2008 йили Имом Бухорий халқаро маркази ташкил этилди. Ҳозирги вақтга қадар марказнинг малака ошириш ўқувларида вилоятлардаги жоме масжидларида фаолият кўрсатаётган 1500 дан ортиқ имом-хатиб ҳам диний, ҳам дунёвий илмлар бўйича малакаларини ошириб, ишларини янада самарали давом эттирмоқда.

Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий жиҳатдан барқарор, умуминсоний қадриятлар устувор бўлган, маънавий мерос ва диний қадриятларни тиклаб, инсон ҳуқуқларини устувор соҳа даражасига кўтара олган мамлакатдир. “Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон” деган ғоят теран ва пурмаъно сўзларда, энг аввало инсон, унинг кадр-қиммати ва жамиятдаги мавқеи улуғланган. “Биз инсонни азиз ва муқаррам қилиб яратдик” деган ояти кариманинг мазмун-моҳиятига ҳар жиҳатдан ҳамоҳанг бўлган мазкур сўзларда том маънодаги диний бағрикенглик ғоялари акс этган. Бу эса Ўзбекистонда ҳар бир инсонга унинг дини, миллати, irqи, насл-насабидан қатъи назар, ўз имкониятларини тўла-тўқисан намоён этиш учун барча ҳуқуқий кафолатлар ва шарт-шароитлар муҳайё этилганидан далолат беради.

Жаҳоний муаммолардан бири – одам савдосига қарши кураш – юртдошларимиз ушбу иллат қурбони бўлишининг олдини олиш, жабр кўрганларга ёрдам кўрсатиш ва бошқа йўналишларда ибратли ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, тарғибот-тушунтириш ишларини кенг, мунтазам йўлга қўйиш чоралари кўрилмоқда.

Шундай хайрли ишга ҳисса қўшиш нияти билан журналимизнинг махсус сони – мавзуга доир туркум мақолаларни эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

ҚОНУНИЙ МИГРАЦИЯ ҲИМОЯ ҚИЛИНАДИ

Меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш, фуқароларнинг чет элда ишга жойлашишини таъминлаш масалаларини ҳал этиш Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элларда меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигига юклатилган.

Мухбиримиз агентликнинг масъул ходимларига бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

– Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг асосий вазифалари ҳақида тўхталсангиз?

– Агентликнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

* меҳнат миграцияси соҳа-сидаги халқаро ҳамкорлик лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

* Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элларда ва хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикасида ишга жойлаштириш учун ўринлар ажратиш ва рухсатномалар бериш масалалари бўйича хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан ҳамкорлик қилиш;

* Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш, ҳуқуқларини ҳимоя этиш, чет элга чиқишга номзодлар билан дастлабки кўниқув тадбирларини ўтказиш;

* фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича минтақавий бюролар, чет эл фирмалари, шунингдек, чет элларга кетаётган фуқароларни олдиндан кўниқтириш ва ўқитиш марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

* меҳнат миграцияси соҳасидаги халқаро ҳамкорлик лойиҳаларига ва тузилган шартномаларга мувофиқ чет элга ишлаш учун жўнаб кетаётган фуқароларни ишга жойлашадиган мамлакатда бўлиш хусусиятлари, хорижий иш берувчилар билан меҳнат шартномалари тузишнинг ҳуқуқий жиҳатлари тўғрисида хабардор қилиш, уларнинг малака оширишига ва ҳўжалик ҳисоби асосида хорижий тилни ўрганишига кўмаклашиш;

* чет элда ишлаётган фуқароларнинг меҳнат фаолияти мониторингини олиб бориш;

* меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя тизими ходимлари

билан бирга чет элларга ишга юборилган фуқароларимизни Ватанга қайтганидан кейин ишга жойлаштириш ва ҳоказо.

– Агентликнинг вилоятлар ёки туманларда ҳам бўлимлари борми?

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ, Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги билан бир қаторда фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича Тошкент, Фарғона, Нукус, Бухоро, Қарши минтақавий бюролари ҳам ташкил этилган.

– Хорижда ишлаётган фуқаро ҳақ-ҳуқуқлари бузилган тақдирда кимга ва қай тарзда мурожаат қилиши зарур?

– Хорижда турли муаммоларга дуч келган фуқароларимиз ўша давлатдаги Ўзбекистон Республикасининг элчихонаси ёки консуллик идораларига мурожаат

Дунёни ўртаётган муаммо

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: “Дарҳақиқат, (Биз) Одам фарзандларини (азиз ва) мукаррам қилдик ва уларни қуруқлик ва денгизга (от улов ва кемаларга) миндириб қўйдик ҳамда уларга пок нарсалардан ризқ бердик ва уларни Ўзимиз яратган кўп жонзотлардан афзал қилиб қўйдик” (Исро, 70).

Маълумотларга кўра, дунёда ҳар йили 2 млн. 700 минг нафарга яқин киши одам савдоси қурбонига айланмоқда. Аллоҳ таоло яратган махлуқотлар ичида мукаррами ва улуғи бўлган инсонни айрим шайтон қулига айланган кимсалар тап тортмай буюм сингари сотмоқда, аёвсиз ишлатмоқда, хорламоқда. Баъзан ёвузларча ўлдириб юборишяпти. Алдов йўли билан катта ваъдаларни бериб чет давлатларга олиб кетилган аёллар қисмати... Норасида болалар ва ёшлар тақдири... Бундай аянчли ҳолатлар қалбимизни яралаши табиий.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича юртимизда адлия ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари доим ҳуқуқий тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Одам савдоси нафақат бир мамлакат, балки дунё миқёсида ҳал қилинадиган долзарб муаммо. Уни бартараф этиш учун ҳамжихат бўлайлик. Акамиз ёки укамиз, қариндошимиз ёки қўшнимиз, опамиз ёки синглимиз алдовлар, қуруқ ваъдалар қурбонига айланмасин. Ҳар вақт огоҳ бўлайлик.

Шарофиддин МУСАБОВЕВ,
Анджон шаҳридаги
«Абу Ҳурайра» жомеи имом-хатиби

қилишлари зарур. Эслатиб ўтамиз, агентликнинг www.migration.uz сайтида элчихоналаримиз телефон рақамлари берилган.

– Бутун дунёда меҳнат миграцияси кучайиши билан “одам савдоси” деган катта бир фалокат юзага чиқди. Бу бало тузоғига эса ҳақ-ҳуқуқини билмайдиган ёки алдовлару ёлғон ваъдаларга осон ишонадиган кишилар кўп илиняпти. Одам савдосига қарши кураш йўналишида агентликда амалга ошириляётган ишлар ҳақида сўзлаб берсангиз?

– Агентлик ходимлари одам савдосига қарши курашиш чораларини янада кучайтириш, бу борада кенг аҳоли хабардорлигини ошириш мақсадида жойларда фуқароларга, айниқса, банд бўлмаган ёшларга мавжуд ички меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш, чет элларда ишлаш тартиб-қоидалари тўғрисида изчил тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришяпти. “Ёшлар” ва “Ўзбекистон” телерадиоканаллари орқали огоҳлантирувчи роликлар эфирга узатиб келиняпти. Олий ва ва ўрта-махсус ўқув юртлари талабалари учун “Ўзбекистон Республикасида одам савдосига қарши курашиш бўйича қонун ҳужжатлари ва унинг олдини олиш борасида амалга оширилган ишлар” мавзuida ўқув-семинар машғулотлари ўтказиляпти. Туманлардаги “Маҳалла” жамоат хайрия жамғармаларига “Чет элларга меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун” тавсияномалари ва “Адашманг, тўғри йўлни танланг” номли иж-

тимойй плакатлар тақдим этилмоқда.

– Агентлик доирасида меҳнат мигрантларининг хорижда яшаш, ишлаш шароитлари, истак-қизиқишлари ўрганиш бўйича қандай ишлар амалга ошириляпти?

– Фуқарони иш берувчи рўйхатга олганидан сўнг, меҳнат шартномалари расмийлаштирилгач, унинг яшаш ва меҳнат қилиш шарт-шароитлари ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси, тиббий суғуртаси меҳнат шартномасига кўра кафолатланиши керак.

Жумладан, Кореяда ишлаётган фуқароларимизни ижтимоий ҳимоя қилиш ва эркин ёллаш тизимидаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида агентлик ушбу мамлакат Инсон ресурсларини ривожлантириш хизматининг Ўзбекистондаги вакилиги идораси билан доимий равишда мулоқот ва учрашувлар ўтказиб туради.

ТАШҚИ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ МАСАЛАЛАРИ АГЕНТЛИГИ

www.migration.uz

info@migration.uz

Ишонч телефони рақамлари:

+998 71 214 30 76

+998 71 214 54 36

ФУҚОРОЛАРНИ ЧЕТ ЭЛЛАРДА ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА МИНТАҚАВИЙ БЮРОЛАР ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Тошкент – 8 (371) 214 89 25

Бухоро – 8 (365) 223 47 55

Нукус – 8 (361) 222 58 47

Фарғона – 8 (375) 233 38 23

Қарши – 8 (375) 221 80 27

Тенгсиз неъмат

“Осмондан сув (ёмғир) туширган Удир. Сувдан барча турдаги ўсимликларни ундириб чиқардик. Ундан яшил майсаларни чиқардик. Ундан донлари зич бошоқни чиқарамиз. Хурмодан эса, унинг шохидаги (мева) бошлари (ерга) яқини (ва яқин бўлмаганлари) бор. Шунингдек, узумзор боғлар, бир-бирига ўхшаган ва ўхшамаган зайтун ва анорларни (чиқардик). Уларнинг мевалагандаги (ғўр) мевасига ва пишганига (ибрат кўзи билан) боқинг! Шу (билган)ларингизда, албатта, имон келтирувчи қавмлар учун аломатлар бордир” (Анъом, 99).

وَهُوَ الَّذِي أَنْزَلَ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَأَخْرَجْنَا بِهِ نَبَاتَ كُلِّ شَيْءٍ فَأَخْرَجْنَا مِنْهُ خَضِرًا نُخْرَجُ مِنْهُ حَبًّا مَاتَرَاكِبًا وَمِنَ النَّخْلِ مِنْ طَلْعِهَا قِنْوَانٌ دَانِيَةٌ وَجَنَّاتٍ مِنْ أَعْنَابٍ وَالزَّيْتُونَ وَالرُّمَّانَ مُشْتَبِهًا وَغَيْرَ مُتَشَابِهٍ انظُرُوا إِلَى ثَمَرِهِ إِذَا أَثْمَرَ وَبَنِعِهِ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ

“Осмондан сув (ёмғир) туширган Удир”. Яъни, Аллоҳ таоло ўз бандаларига раҳмат айлаб ўлчовли, баракотли ризқ боиси сувни – ёмғирни ёғдирувчи Зотдир.

“Сувдан барча турдаги ўсимликларни (ердан) ундириб чиқардик...”. Барча ўсимликлар ёмғир билан униб чиқади. Аллоҳ таоло бутун борлиқни сувдан яратганига ушбу ояти карима мазмуни ҳам ишора қилади: “...барча тирик мавжудотни сувдан (пайдо) қилганимизни кўрмадиларми?!” (Анбиё, 30).

Олдин ёмғир суви билан ердан “яшил майсаларни чиқардик...”, улардан эса “...донлари зич бошоқни чиқарамиз”.

Шунингдек, “Хурмодан эса, унинг шохидаги (мева) бошлари (ерга) яқини (ва яқин бўлмаганлари) бор...”. Ибн Аббос (розияллоху анху) ояти каримадаги “яқин” сўзини “узилиши яқин”, “пишиб етилган” деган мазмунда тафсир қилганлар. Яна бошқа бир тафсирда айтилишича, бу сўз “ерга яқин”, “турган ҳам, ўтирган ҳам уни олиши мумкин” деган маъноларни билдиради. Ибн Аббосдан (розияллоху анху) ривоят қилинган

яна бир тафсирга кўра, оятда паст бўйли хурмо дарахтининг мева ғужумлари ерга ёпишиб туриши баён этилган.

“Шунингдек, узумзор боғлар, бир-бирига ўхшаган ва ўхшамаган зайтун ва анорларни (чиқардик)”. Муфассирларнинг ёзишларича, ўсимлик ва дон инсон учун асосий, мевалар иккиламчи озуқа бўлгани сабаб ояти каримада ўсимликлар ва дон-дун олдин, мева-чеваларнинг эса кейин зикр қилинган.

“...бир-бирига ўхшаган ва ўхшамаган зайтун ва анорларни (чиқардик)...” ояти каримаси тафсирида Қатода ва бошқа муфассирлар айтишади: “Барглари, мевасининг шакли бир-бирига ўхшаб кетади. Аммо таъми бошқа-бошқа”. Мисол учун, зайтун ва анор дарахтларининг барги ва кўриниши бир-бирига ўхшайди, аммо мевасининг шакли, таъми ва ранги умуман ўхшамайди. Шунингдек, пояси бир-бирига ўхшайдиган, аммо дони ва меваси ҳар хил бўлган мевалар, ранги ўхшаш, бироқ таъми ҳар хил мевалар ҳам бор. Буларнинг бари бандаларнинг фикр юритишлари учундир.

Ояти каримада хурмо ва узумнинг алоҳида зикр қилинишига сабаб, бу икки меванинг Ҳижоз халқи наздида қадрли эканидир.

“Уларнинг мевалагандаги (ғўр) мевасига ва пишганига (ибрат кўзи билан) боқинг!..” Мева туккани ва пишган ҳолига, бир рангдан бошқа рангга ўзгаришига, бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтишига бир назар ташланг.

Замахшарий тафсирида бундай дейилади: “У мевасини чиқарган пайтда жуда кичик бўлади, ундан деярли фойдаланишнинг иложи йўқ. Энди пишган ва етилган ҳолатига қаранг: у қандай қилиб барча фойдали нарсаларга тўла ва ширин таъм кирган неъматга айланди? Назар солганда ҳам, уни бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтказган, миқдорини белгилаган Аллоҳнинг қудратига қоил бўлинг!”

Аллоҳ таоло инсон табиатини, унинг бир хил нарсалардан ва бир хил рангдан зеркишини билади. Шунинг учун меваларнинг тури, таъми ва навини турли хил қилиб қўйган. Аллоҳ таоло бу неъматларни бандалари шуқр қилишлари учун шундай мукамал қилиб яратган.

“Шу (билган)ларингизда, албатта, имон келтирувчи қавмлар учун аломатлар бордир”. Айтиб ўтилганидек, Аллоҳ таоло бу оятларни имон келтирган ва ишонганлар учун келтиради, аммо ким юз ўгирса, ажойиб оятлар ва улкан неъматларнинг маъносини тушуна олмайди.

*Абу Мансур Мотуридий, Маҳмуд Замахшарий,
Ибн Касир тафсирларидан*

Бадриддин САДРИДДИН ўғли
тайёрлади.



Ҳар доим асқотади

Яхши хабарнинг қаноти бор, дейишади. “Мовароуннаҳр” нашриёти “Ўзбекистон матбуоти” миллий кўргазмасида “Йилнинг энг яхши китоби” V республика кўрик-танловининг “Ватан тарихи” йўналиши бўйича фахрли биринчи ўринни эгаллаганини эшитиб, жуда қувондик.

Шу хабар туртки бўлиб, кўнглимга тугиб юрган гапларни қоғозга туширдим. Кейинги икки-уч йил ичида нашриёт фаолияти анча жонланди. Долзарб мавзулардаги асарлар қаторида адабий, тарихий йўналишдаги китобларнинг чоп этилиши ҳам айни муддао бўляпти. Айниқса, яқинда босмадан чиққан йиллик тақвимни алоҳида эътироф этиш зарур. Ундан намоз вақтлари билан бирга Қуръон оятлари, ҳадислар, ибратли мақолалар жой олгани бизга манзур бўлди. “Осон ёдлаш қодалари”, “Зарурий фатволар”, “Файзли кунлар фазилати”, “Сийратга оид саналар” ўқувчиларга ҳар доим асқотади.

“Ҳидоят” журнали, “Ислом нури” газетаси биз имомлар учун дастуриламал, ҳар ишда насиҳатчи, десак муболаға бўлмайди. Бу нашрларга обуна бўлганлар сира ютқазмайди.

Нашриётнинг жонкуяр ходимларига ташаккуримни изҳор қиламан.

Зеро, Пайғамбаримиз (соллалоҳу алайҳи ва саллам): “Яхшиликка йўловчи уни қилувчи кабидир”, дея марҳамат қилганлар.

Аллоҳ таоло уларнинг хайрли ишларида ёрдамчи бўлсин. Икки дунё саодатини насиб қилсин!

Муродулла ҚАРШИЕВ,
*Навоий вилояти Зарафшон шаҳар
бош имом-хатиби*

ГИЖГИЖЛОВЧИЛАР ҲАМИША ТОПИЛАДИ

Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида, хусусан, араб мамлакатларида содир бўлаётган нохуш воқеалар ҳар қандай соғлом фикрли инсонларни чуқур ташвишга солади. Турли можаролар, ўзаро қарама-қаршилиқлар, қон тўкилишлар жаҳоннинг қайси мамлакатда рўй бермасин, бундан кўнглимиз ғаш тортади.

Ислом КАРИМОВ

XXI асрда содир бўлган инқилобларнинг мазмун-моҳияти, шакли-шамойилига назар ташлайдиган бўлсак, ушбу курашларда ҳарбийлар, қуроллар ишлатилса ҳам, уларнинг келиб чиқиши замирида кучли мафкура яшириниб туради. Ташқи кучларнинг фуқароларни демократия ниқоби остида гижгижлаши, курашларни аланга олдириши ва бу “тадбир”ларга асосан ёшларнинг жалб этилиши аянчли ҳолдир.

Оммавий ахборот воситаларида эса дунёда содир бўлаётган бу каби урушлар ҳақида хабарлар бериб борилади, аммо мазкур мафкуравий курашларнинг келиб чиқиши, оқибатлари аниқ тушунтирилавермайди.

Араб давлатларида бўлиб ўтган тўнтаришларнинг ижтимоий-иқтисодий сабаблари ғарб матбуотида гўё камбағаллик, тенгсизлик, коррупция ва ишсизлик¹ деб кўрсатилган эди. Буни барча оммавий ахборот воситалари сўзма-сўз такрорлаб, кўпайтириб, кенг оммага тарқатди.

Ҳақиқатдан ҳам аҳвол шундайми?

Жавоб топиш учун бир давлат – Мисрнинг ўша воқеалардан олдинги ижтимоий-иқтисодий аҳволини таҳлил қилиб кўрсак:

Ҳусни Муборак даврида (1981–2011 йиллар) иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига назар ташлайдиган бўлсак, Миср иқтисодиёти 30 йил

ичида 4,5 бараварга ўсиб, ривожланиб борган.

Айниқса, 2004 йилнинг июл ойида жорий қилинган янги ислохотлар туфайли иқтисодий ўсиш мароми янада тезлашган.

Миср жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози йиллари инқирозга юз тутмади, балки ўсиш суръатларини давом эттирди. Лекин барибир иқтисодий ўсиш йилига 7,2 фоиздан 4,6 фоизга пасайди (бу ерда қайд қилиш керакки, айрим ривожланган давлатлар иқтисодий инқироз бўлмаган даврда ҳам 4–5 фоиз ўсиш суръатларини орзу қиладилар), бироқ Миср давлат раҳбари истисодий ўсишни юқори даражада қайта тиклаб олишга муваффақ бўлган.

Бу далиллар Ҳусни Муборак “30 йиллик раҳбарлиги туфайли давлатни иқтисодий турғунликка олиб келди”, дея отилган таъналар асоссиз эканини кўрсатади.

Диққатга сазовор томони, инқилобдан кейин давлат тепасига келган ҳукумат 2004 йили қабул қилинган либерал ислохотларга² эргашган ҳолда иш олиб боришни ваъда қилди. Бу эса ҳокимиятдан кетган Ҳусни Муборак олиб борган иқтисодий сиёсат нотўғри бўлмаганидан далолат.

2010 йил «Транспаренсиинтернешенал» берган маълумотларга кўра, Мисрда коррупция

¹ Янковая Н. 12.02.2011. Беспорядки «заморозили» экономику Египта. Вести. www.vesti.ru/doc.html?id=427997&m=1&photo=1

² Pitchford R. UPDATE 1-Egypt plans stimulus package after blow to growth. Reuters 22.02.2011. URL: www.reuters.com/article/2011/02/22/egypt-finance-idUSLDE71L2GP20110222

даражаси қандай бўлганини кўрсаткичларга назар ташлаш орқали билиб олишимиз мумкин. Миср коррупциялашув даражасига кўра собиқ Иттифоқ ҳудудидаги мамлакатлардан ҳам пастроқ, дунёда 80-ўринни эгаллайди. Яъни, Мисрдаги коррупция даражаси тўнтаришнинг бошланиши учун сабаб эмас.

1990–2010 йиллари Мисрда ишсизликнинг ўсиш кўрсаткичлари ўзгариб турган³:

Мисрда ишсизлик 20 йил давомида деярли юқори даражада (8–12 фоиз оралиғида) бўлди. Бироқ 2000 йилларнинг ўрталарида иқтисодий ислохотлар бошлангандан сўнг, у барқарорлик билан пасая бошлади. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатида ишсизлик ошди, бироқ 2010 йилга келиб, яна пасайиш кузатилди.

Мисрда ишсизлик даражаси паст эди, дейишимиз қийин, лекин дунё давлатлари орасида унинг кўрсаткичлари юқори эмас. АҚШ, Франция, Польша, Туркия, Ирландия давлатларидагидан кўра анча паст даражада эди.

1990–2005 йилларда Миср халқи орасида иқтисодий тенгсизлик даражасининг ўсиши (Джини индекси бўйича)⁴ 30–33-даражалар кўламида ўзгариб турганининг гувоҳи бўламиз. Бу кўрсаткичлар кўпчиликка тушунарсиз бўлиши мумкин. Шундай бўлса-да, Хусни Муборак давлат раҳбари бўлган даврдаги кўрсаткичлар таҳлили бу мамлакат дунё саҳнида қандай ўрин эгаллаганини аниқлашга ёрдам беради.

Бу ерда иқтисодий тенгсизлик даражаси юқори эмаслигини илғаш қийин эмас. Жаҳон бўйича белгиланган ўлчовларга кўра, охириги йилларда ўртача даражадаги иқтисодий тенгсизлик кузатилди. БМТнинг инсон ривожланиши бўйича тараққиёт дастурининг охириги ҳисоботида қараганда, иқтисодий

тенгсизлик бўйича Миср 145 мамлакат ичида 120-ўринни эгаллайди⁵. Шундай қилиб, БМТнинг ривожлантириш дастурига кўра, унда Миср билан бир қаторда 23 давлатда тенгсизлик энг паст даражада деб баҳоланган, энг юқориси эса, Франция, Ирландия, Испания, Ҳиндистон, Грузия, АҚШ, Хитой, Россия ва Мексика каби 119 давлатда деб қайд этилган.

Шу боис Мисрда содир бўлган воқеаларнинг асосий сабабларидан бири иқтисодий тенгсизлик деб кўрсатилгани ёлғон. Мамлакатда иқтисодий тенгсизлик жаҳонда энг паст даражада бўлгани бунини исботлаб турибди.

Мисрда тўполонларнинг сабабларидан яна бири сифатида чегарасиз камбағаллик кўрсатилган. Кўпчилик ҳолларда мисрликларнинг 40 фоизи кунига 2 доллардан кам харж қилмагани таъкидланган. Лекин ҳеч қайси манбада камбағаллик кўрсаткичи келтирилмаган⁶. Аслида эса, айнан шу кўрсаткич бўйича Миср дунёда энг фаровон мамлакат деб қайд этилган.

Мисрлик интернет блоггерлари ғалаёнчилар гуруҳини қўллаб-қувватлаш учун Facebook тармоғида “6 апрел ёшлар ҳаракати”ни ташкил қилишди. Маълумки, ушбу ҳаракат кейинчалик 2011 йилда содир бўлган инқилобларда асосий иш кўрсатувчи бўлди. 2008 йилда юз берган воқеани маъқуллаган Facebook тарафдор эканини билдириши билан сафларини кенгайтди, бу эса 2011 йилги воқеаларни авж олдиришга хизмат қилди.

Маълумки, портлаш содир бўлиши учун портловчи воситадан ташқари олов ҳам керак. Шу ўринда айтиш мумкин, интернетда ёшлар ҳаракатининг ташкил топиши ва ўзига хос жуда катта куч тўпланиши, бундан ташқари дунёнинг барча тарафидан араб йўлдош каналлари орқали маҳоратли журналистлар, нотиқларнинг

³ Манбалар: World Bank.World Development Indicators Online.Washington, DC: World Bank, 2011. URL: data.worldbank.org/indicator/SL.UEM.TOTL.ZS (1990–2008 rr.). Central Agency for Public Mobilization and Statistics. 2010. Egypt in Figures 2010.Cairo: CAPMAS. P. 31 (2009 йил II чорагига доир маълумотлар); Sa`dahFu`adAbd al-Rahman (al-muharrir). NashratSuq al-`amal al-misriyy. Nashrah rub` sanawiyyah. I III-2010.al-Qahirah: : Wizarat al-qjwa al-`amilahwa-l-hijrah, 2010, 2010. C. 4 (2010 йил III чорагига доир маълумотлар).

⁴ Манба: World Bank.World Development Indicators Online.Washington, DC: World Bank, 2011. URL: data.worldbank.org/indicator/SL.POV.GINI.

⁵ The Real Wealth of Nations: Pathways to Human Development. Human Development Report 2010.20th Anniversary Edition / Ed. by J. Klugman. New York, NY: The UNDP Human Development Report Office/Palgrave Macmillan, 2010. P. 152–155.

⁶ Аниқроқ қилиб айтганда, одам бошига кунига 1 доллар 25 центдан кам харажат ҳозирги пайтда камбағаллик чегараси деб белгиланган. Қаранг: The Real Wealth of Nations: Pathway to Human Development.Human Development Report 2010.20th Anniversary Edition / Ed. by J. Klugman. New York, NY: The UNDP Human Development Report Office/Palgrave Macmillan, 2010. P. 161–163).

таъсирчан, ёрқин ранглардаги гижгижлашлари, чорловлари, яна бир ёрқин далил – Тунисда жанглари жуда тез давлат тўнтариши амалга оширилгани Миср халқини кўзгатиб юборган сабаблар бўлди.

ХУЛОСА

Республикаимиз мустақиллиги йилларида халқимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий ҳаётида улкан ижобий ўзгариш содир бўлди. Энг муҳими, онг-тафаккуримиз ўзгариб, Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги йўлида халқимизнинг шахсий, умуммиллий мақсадлар муштараклигига, ғоявий бирликка интилиш ҳисси уйғонди. Бироқ ютуқларимизни кўролмайдиганларнинг миллий, маънавий кадрларимизни кадрсизлантиришга қаратилган ғоявий таҳдидлари ҳамон давом этмоқда.

Бир давлатда нотинчлик, уруш ҳукм сураётган пайтда четда томошабин бўлиб турган айрим давлатлар можарони янада авж олдиришга уринаётгани кишини ҳайрон қолдиради. Мисол учун, “араб баҳори”нинг кўзга кўринган етакчиларидан бири яманлик Таваккул Карманга 2011 йили Нобел мукофоти берилгани⁷ бунга далилдир.

Президентимиз: **“Ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмда унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимизни она-Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш учун, таъбир жоиз бўлса, аввало уларнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни кучайтиришимиз зарур”**, деган эдилар. Бунинг учун ҳар биримиздан ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган воқеаларга огоҳлик билан қараб, мамлакат ҳаётига хавф туғдирувчи ҳар қандай иллатнинг олдини ўз вақтида олишга ҳисса қўшиш талаб этилади.

Шаҳноза АКРАМОВА,

Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази тадқиқотчиси

⁷Arab protests attract Nobel interest: News24: World: News. News24 (31 January 2011).

Яхшиликка ундаш ҳам яхшиликдир

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг илму маърифатни тарғиб этувчи нашрлари – “Ҳидоят” журнали ва “Ислом нури” газетаси ва уларнинг қорақалпоқ тилидаги иловаларига обуна қизғин паллага кирди.

“Ҳидоят” ва “Ислом нури” имом-хатибларга дастуриламал, диний билим юртлари талабаларига қўлланма, онахонларимиз, опа-сингилларимизга, қўйингки, барча ўқувчиларимизга яхши насиҳатчи, эскирмайдиган манба десак, муболаға бўлмайди. Севимли нашрларимизнинг “Тафсир”, “Ҳадис шарҳи”, “Саҳобалар ҳаёти”, “Сўраган эдингиз”, “Ислом ва олам”, “Олисларга саёҳат” каби қатор рукнлари остида бериладиган мақолалар, хабарларни ўқиб, билим доирангиз кенгайди, воқеа-хабарлардан воқиф бўласиз.



Ҳар йилгидек обуна мавсумидаги тарғибот-ташвиқот ишларида жоме масжидлари имом-хатиблари асосий кўмакчиларимиз ҳисобланади. Улар орқали ушбу нашрлар эл орасига ёйилиб, кўпчилик юртдошларимиз баҳра олишяпти. Албатта, ҳар қандай эзгу иш ажр-мукофотсиз қолмайди. Кишиларни яхшиликка ундаш ҳам уни бажаришдек савоблидир.

Умид қиламиз, муҳтарам имом-домларимиз обуна мавсумида ўтган йилларгидан фаолроқ бўлишади. Идорамизнинг ушбу нашрларини доимо ўқиб юрган инсоннинг илми зиёда бўлиши, фазилати кўпайиши шубҳасиз. Демак, уларни тарғиб этиш илмга, яхшиликка тарғиб этиш билан баробар. Маълумки, илмга тарғиб этишнинг савоби уни эгаллашдек машаққатли амалнинг ажри билан тенг. Шундай экан, бу эзгу ҳаракат ривожини йўлида барчамиз бирдек жон куйдирайлик.

Таҳририят

18 ноябр куни Тошкент Ислон университети мажлислар залида «Бағрикенглик – тинчлик ва барқарорлик кафолати» мавзуда илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Синовлардан ўтган бағрикенглик

Тадбирни Тошкент Ислон университети ректори Равшан Абдуллаев очиб, бағрикенглик халқимиз тинчлиги, юртимиз ободлиги учун нақадар муҳим экани ҳақида сўзлади. Тошкент Ислон университетида нафақат Ислон арконлари балки, бошқа динлар тарихи, таълимотлари ҳам ўргатилишини айтди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси Ортиқбек Юсупов Ўзбекистонда фуқароларнинг виждон ва диний эркинлик борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, бағрикенглик ва динлараро дўстлик-ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

– Мустақиллик йилларида давлатимиз динлараро муносабатларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда турли динларга эътиқод қилувчи фуқаролар демократик, ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлида ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қиляпти.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов Ислон таълимотида бағрикенгликка тарғиб кенг ўрин олганини, одамларни

динга ёки диний кўрсатмаларни бажаришга зўрлаш Ислоннинг моҳияти ва руҳига зидлигини таъкидлади.

Муфтий ҳазратлари бугун республикада фаолият кўрсатаётган икки мингдан ортиқ масжид мусулмонлар-

ҳақида гапирди. Соҳа мутахассисларини тайёрлаш борасида республикада тўпланган тажриба бошқа мусулмон мамлакатларига намуна бўла оlishини айтиб ўтди.

Йиғилишда сўзга чиққан турли дин вакиллари мамла-



нинг диний эҳтиёжларини қондираётгани, уларда ибодат учун қулай шароитлар яратилаётгани ҳақида тўхталди. Шунингдек, минглаб талабалар Тошкент Ислон университети, Тошкент Ислон институти, тўққизта Ислон ўрта-маҳсус билим юртида диний билимлардан таҳсил олаётгани, илмий-диний тадқиқотлар ўтказиш ва имом-хатибларнинг малакасини ошириш мақсадида Имом Бухорий халқаро маркази фаолияти йўлга қўйилгани

катимиз фуқаролари ўртасида меҳр-оқибат, мурувват ва саховат замонлар синовидан ўтгани, бугунги кунда бошқаларга ибрат бўларли даражага етганини эътироф этишди. Мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорлик, турли дин вакилларининг жамиятимиз ривожига муносиб ҳисса қўшаётганлари муҳим ютуғимиз эканини таъкидлашди.

Тошкент Ислон институти ўқув ишлари бўйича проректори
Ибодулло АҲРОРОВ,
Муҳаммад СИДДИҚ

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) айтади: «Бир одам: “Ё Расулulloҳ! Менга қисқа бир насиҳат қилинг, узайтириб юбормангки, унутиб қўйишим мумкин” деди (бу сўзини бир неча марта такрорлади). **Расулulloҳ** (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) (бир сўз билан) “**Ғазабланма!**” деб жавоб бердилар» (Имом Бухорий ва Имом Термизий).

Барча ёмонликларнинг боши



Шарҳ. Саҳобийнинг талаби бошқа ривоятларда “Мени жаннатга олиб борадиган бир амални айтинг!”, “Мен фойдаланиб юрадиган бир нарса айтинг, кўп бўлмасин...”, “Менга бир сўз айтинг, оз бўлсин, ёдимда тутай...” тарзида келган. Яна бошқа шакллари ҳам бор. Сўровчининг ким бўлгани баъзи ривоятларда айтилган, бошқаларида айтилмаган. Бундан Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кишини жаннатга олиб борадиган оз ва соз амални кўп марта сўраб мурожаат қилингани маълум бўлади. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эса бу саволларнинг кўпига “Ғазабланма!” деб жавоб берганлар.

Аҳмад ибн Ҳанбал ва Ибн Ҳиббон ривоятлари охирида исми зикр қилинмаган кишидан бундай изоҳ келтирилган: “Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу жавобларидан ғазаб барча ёмонликларни ўзида жамлаганини тушундим”.

Хаттобий дейди: “Ғазабланма!” сўзининг маъноси “Ғазабга олиб борадиган сабаблардан сақлан”, демакдир. Ғазабнинг ўзи тақиқланиши мумкин эмас. Чунки у табиий, фитрий ҳолдир, инсон уни ўз табиатидан чиқариб ташлаёлмайди”.

Баъзилар ҳадисни бундай шарҳлашган: “Ғазабланма, чунки ғазабнинг манбаи кибрдир.

Кибр кишининг хоҳишларига терс тушадиган омилга нисбатан пайдо бўлади ва эгасини ғазабга бошлайди”.

Айрим олимлар ҳадисни “Ғазабнинг буюрган ишни қилма!” деб шарҳлаганлар.

Ибн Тин айтади: “Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “Ғазабланма!” деган сўзларида дунё ва охират ишларини жамлаганлар. Чунки ғазаб кишиларни бир-биридан узоқлаштириб, ўзаро меҳр-шафқатни йўқотади. Бу эса, кишининг динига нуқсон етказди”.

Байзовий эса бундай изоҳни келтиради: “Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кишининг бошига келадиган бутун ёмонликларга шаҳват ва ғазаб сабаб бўлишини ва савол сўраган кишининг шаҳват жиҳатидан мўътадил эканини билганлари учун уни ғазабланишдан қайтарганлар. Киши ғазабланганида ўзини қўлга ола билса, энг кучли душмани – нафсини енгган бўлади”.

Олимлар яна бундай дейишган: “Аллоҳ таоло ғазабни оловдан яратди ва уни инсон фитратига жойлаштирди. Киши бирор мақсадига етишиш йўлида ким биландир низолашса, ғазаб олови ёнади ва юзу кўзи қизариб кўпчиб кетади”.

Ғазаб қалбда кин ва ҳасадни пайдо қилади ҳамда бошқа кўпгина ёмонликларни ичга жойлаштиради. Ҳатто айтиш мумкинки, ғазаб билан ҳосил бўладиган биринчи ҳолат ботиннинг хунуклашидир. Ташқи ўзгаришлар аслида ички ўзгаришларнинг натижаси ва самараси. Айтилганларнинг ҳаммаси ғазабнинг баданга таъсиридир.

Ғазабнинг тилга таъсири ҳам талай: ҳар бир ақли жойида одам бошқа пайт айтишга хижолат қиладиган, кейин пушаймонга сабаб бўладиган хунук ва кўпол сўзларни жаҳли чиққанида гапириб юборади. Шунингдек, ғазабнинг феълий таъсири кишини уриш, ўлдиришга бошлашидир”.

Кўриниб турганидек, ғазабнинг зоҳирий, ботиний, жисмоний ва феълий зарарлари санаб бўлмайдиган даражада кўп. Бу ҳақда фикр юритган киши Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) биргина “Ғазабланма!” деган насиҳатларига амал қилиш билан ана шу саноқсиз ёмонликлардан сақланиши ва яна қанча ҳикматларга эришиши мумкинлигини англайди.

Юқоридагиларнинг барчаси дунёвий ишлардаги ғазаб ҳақида, диний ишларда ғазабланиш ҳақида эмас. Ибн Ҳажар “диний ғазаб” деганда, ҳақ учун, Аллоҳ таоло учун ғазабланишни назарда тутди. Чунончи, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нафслари учун ҳеч қачон ғазабланмасалар ҳам, диний масалаларда бирор хато ишни кўрсалар, дарҳол юзларида ғазаб аломати зоҳир бўларди. Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Бир одам Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мен бомдод намозига фалончи сабаб келолмаяпман, чунки у намозни жуда чўзиб юборади”, деди. Мен Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўша кунгидек ғазабланганларини кўрмагандим. У зот ғазаб билан бундай дедилар: “Эй инсонлар! Орангизда баъзилар нафрат эттирувчидир. Қайси бирингиз халққа намоз ўқиб берса, (қироатни) қисқа қилсин. Зеро, жамоатда касал бор, кекса бор, эҳтиёжли (ишли)лар бор”.

Манбалар асосида
Нўъмон АБДУЛМАЖИД
тайёрлади.

Олий хислат

Динлараро бағрикенглик ҳар хил эътиқодга эга кишиларнинг бир замин, бир Ватанда олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор, ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади. Муқаддас динимиз инсонларни ҳар доим бир-бирлари билан аҳил-иноқ, бағрикенг бўлишга чақиради. Халқимизнинг меҳмондўстлиги қадим-қадимдан бошқаларга ибратдир.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда бир яхудий овқат пишириб, Пайғамбаримизни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) меҳмонга чақирганида, борганлари келтирилади. Миср шоҳи Муқавқис Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадя жўнатади. Расулуллоҳ (алайҳиссалом) ҳадяни қабул қиладилар. Ваҳоланки, шоҳ мусулмон эмас эди. Нажронлик насоролар гуруҳи Мадинаи мунавварага келганида Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уларни масжидларига туширдилар ва шу жойда ибодатларини адо этишга рухсат бердилар.

Мисрда бир масжид қурилди. Бунинг натижасида бир насроний кампирнинг уйи бузилди. Кампир Мадинага келиб, Умар ибн Ҳаттобга Миср волиий Амр ибн Ос (розияллоҳу анҳу) устидан шикоят қилди. Ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу) суриштирса, аёлга ҳовлиси нархидан кўпроқ пул берилган экан. Шундай бўлса-да, кампирнинг уйини қайтаришга, янги қурилган катта масжидни бузиб ташлашга амр қилди... Бу каби мисолларни нафақат мусулмонлар, балки бошқа динларнинг олимлари ҳам эътироф этишади.

Ватанимизда тарихий бағрикенглик анъанасини сақлаб қолишимиз, келгуси авлодларга етказишимиз керак. Чунки глобаллашаётган дунёда тинчлик, осойишталик ва эзгу қадриятларга дарз солувчилар, бузғунчилар қора ниятлари йўлида ҳар хил воситаларни ишга солиши турган гап. Шундай экан, маънавий бойлик ва қадриятларимизни сақлаб қолиш, юксалтиришда дахлдорлик ҳиссини асло унутмаслигимиз шарт.

Энг аввало, ёшларимизни бағрикенглик руҳида тарбиялашимиз, улар қалбида эзгу хислатлар чуқур ўрнашувига эришишимиз, юрт тинчлиги ва халқ ҳамжиҳатлигини энг катта бойлик деб қарашга ўргатишимиз лозим. Зеро, келажак ёшларники, мамлакат тақдири, бугун сизу биз амалга ошираётган бунёдкорлик ва эзгу ишлар самараси уларга боғлиқдир.

Абдулазиз МҶМИНОВ,
Асака тумани “Маъмур қори” жоме масжиди имом-хатиби, Имом Бухорий халқаро маркази тингловчиси

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Саволларингизга Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий
Усмонхон АЛИМОВ жавоб беради.

Савол: Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ. Хурматли Муфтий ҳазратлари! Баъзилар озми-кўпми даромад келиб турган иш жойларини ташлаб, кўпгина мол илинжида чет элларга ишлагани кетишяпти. Динимизда бу ҳолатга қандай қаралади?

Жавоб: Алҳамду лиллаҳ, вассолату вассаламу ала росулиллаҳ. Аммо баъд. Динимизнинг асоси бўлмиш ақида китобларида ёзилишича, барча тирик мавжудотнинг, жумладан, инсоннинг ҳам туғилишидан олдин тақдири, яъни, унинг қачон ва қаерда туғилиши, қачон ва қаерда ўлиши каби масалалар қатъий белгилаб қўйилган. Ана шу масалалар қаторига ризқ ҳам қиради. Инсон ўзи учун белгиланган ризқини емай туриб ўлмайди, унга берилаётган ризқ белгиланганидан камаймайди ҳам, кўпаймайди ҳам. Мана шу масалани ҳаммамиз яхши англаб олишимиз муҳим. Бизнинг ризқимиз, минг ҳаракат қилмайлик, тақдири азалда белгиланганидан ортиб ёки камайиб қолмайди! Балки қилган солиҳ амалларимиз сабаб ризқимизга барака қиради. Тўғри, зоҳирда қўлимиз баъзан кўп миқдорда пул кўриши мумкин. Барибир, ундан бизга ризқ бўладигани ўша белгиланганидан ошмайди. Зеро, қўлга киритганимиз ҳамма мол-мулк бизнинг ризқимиз бўлавермайди.

Шунинг учун турли ҳою ҳаваслар йўлида ўзини ўтга-чўққа уравермасдан, бориға қаноат қилиб яшаш марғуб саналади. Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ бир жойдан ризқ бериб турса, то ўша ризқ ўзи тўхтамагунича кесиби қўйманг”, деган мазмунда ҳадислари бор. Яъни, Аллоҳ таоло сизга қилган меҳнатингизга яраша бир ердан ризқингизни бериб турган бўлса, токи ўша иш бирон-бир сабаб билан ёки ўз-ўзидан даромад келтиришдан тўхтамагунича сиз тўхтатманг. Бундан ташқари, хўроз ҳамма ерда бир хил қичқаришини, ҳар ернинг ўз тош-тарозиси борлигини унутмайлик.



Савол: Хорижда ишлаш учун расмий – ўрнатилган тартиб асосида кетиш билан бирга, ўзича мустақил равишда бориш ҳам мумкин. Айтинг-чи, ик-

кинчи йўлни тутган киши гуноҳ иш қилган бўладими?

Жавоб: Агар ана шу ўзбошимчалик билан хорижга кетиши оқибатида ўзига бирор зарар етса, албатта, гуноҳкор бўлади. Чунки у ўзини билатуриб ҳалокатга ташлади. Аллоҳ таоло: “...Ўз қўлларингиз билан ўзларингизни ҳалокатга ташламанг! (Барча ишларни) чиройли қилинг. Албатта, Аллоҳ чиройли (иш) қилувчиларни яхши кўради” (Бақара, 195), деб марҳамат қилган. Бундан ташқари, Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) тавсиялари бўйича ҳам мусулмон одам икки ишдан доимо осонини, қулайини ва

хавфсизини танлаши керак. Мудом хорижда ишлаш мақсад қилинган экан, давлатнинг ташқи меҳнат идораси орқали кетса, одам савдоси каби ҳозирда урчиб кетган турли хил алдов ва найрангларнинг қурбони бўлишдан сақланади.



Савол: Баъзи юртдошларимизнинг қонуний ишлаш учун борган ерларида шартномаларни бузиши ҳоллари учрамоқда. Шунга муноса-

батингизни билмоқчи эдим.

Жавоб: Албатта, давлатнинг ваколатли идораси билан хориждаги иш берувчи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ ўша ерга кетган одам ана шу келишувни маъқуллаган ва унинг шартларига рози бўлган ҳисобланади. Шу боис энди у шартнома бўйича зиммасидаги вазифа-

ларни бажаришга масъулдир. Уни бузган эса аҳдини бузган, ваъдасини бажармаган бўлади ва бу ҳол динимизда қораланади. Мукулмон одам бундай нождя ишларни қилмайди. Зеро, ахдга вафо Ислондандир (*Наҳл, 91*).



Савол: Мен Русия давлатининг шаҳарларидан бирида ишлайман. Бу ерларда ижара ҳақи ўта қимматлиги сабаб ижарага олинган

битта хонадонда ўн беш, ҳатто йигирма нафар бир-бирига бегона аёл-эркак яшайди. Албатта, аёллар ва эркаклар алоҳида хоналарда тунайди. Ёки битта хонада икки-уч эр-хотин яшаса, ўргаларига парда тутиб олишади. Шу ҳолатлар жоизми?

Жавоб: Бундай яшаш мутлақо жоиз эмас! Битта хонадонда бир-бирига бегона эркак-аёлларнинг яшаши, гарчи алоҳида хоналарда бўлса ҳам, фитнага, бузуқликка сабаб бўлади. Ислон поклик, тўғрилиқ дини.

Икки-уч хонали хонадонда ўн беш-йигирма киши билан яшашнинг ўзи хорлиқдир ва бу ҳар қандай ақли расо, фаросатли одамнинг таъбига тўғри келмайди.



Савол: Муҳтарам Муфтий ҳазратлари! Мен яшаб меҳнат қиладиган давлатга ишлагани келган юртдошларимиз орасида аёллар

ҳам бор. Уларнинг қўпчилиги оилали, эри турли сабаблар билан уйида қолган. Баъзи аёллар эса, ажрашган ёки бева қолган. Эркак ватандошларимиз орасида ана шу аёллар билан уйга кетгунча бирга яшаб туриш учун никоҳланиш ҳоллари тобора кўпаймоқда. Бунга шариатимизда йўл борми?

Жавоб: Сиз айтаётган никоҳ “мутъа” – вақтинчалик никоҳланиш бўлиб, динимизда тақиқланган. Никоҳланаётган жуфтлар бир умр бирга яшашни мақсад қилишлари керак. Демак, вақтинчалик никоҳ ўқитиб, бирга яшаётганлар шариат ҳукмига тамоман зид иш қилган бўлишади.



Савол: Баъзи ватандошларимиз мусофир юртларга нима учун келганларини унутиб, топган пулларини турли беҳуда ишларга, маишатларга сарфлаб, уйида қолган оиласини бутунлай унутиб юборишяпти. Уларга қандай насиҳат қилган бўлардингиз?

Жавоб: Бирор зарурат туфайли туғилган ерини ташлаб, ўзга юртларда мусофирликда минг машаққат билан пул топиб, уни дарҳол зориқиб турган оиласига юбориш ўрнига ҳою ҳавасларга исроф қилиб юрган одам ё ўта ақлсиз-нодон ёки ҳамиятсиз кимсадир.

Зиммамизда фарзандларимизни ҳалол ризқ билан таъминлаш вазифаси бор. Болаларини оч ва муҳтож ҳолда ташлаб қўйиб, ўзи чет элларда ялло қилиб юриши мусулмон одамга ярашмайди. Соғлом, ишга яроқли бўлатуриб, оиласини бошқалар қўлига қаратиб қўйиш ўзини эр билган киши учун номусдир. Билиб-билмай шу ҳолга тушиб қолганлар дарҳол ўзларини ўнглаб олсинлар ва Аллоҳдан қўрқсинлар! Эрта бир кун молини қаердан ва қандай топгани, уни қайси ўринларга сарфлагани ҳақида ҳам батафсил ҳисоб беришларини эсда тутсинлар!

Нўъмон АБДУЛМАЖИД
ёзиб олди.



Дабдабага берилиш офати

Айрим юртдошларимизни одам савдосининг бало-офатларига дучор қилаётган билвосита сабаб-иллатлардан бири тўйларда исрофгарчиликка, дабдабозликларга ружу қўйишдир. Набий (алайҳиссалом) қизлари Фотимани (розияллоҳу анҳо) узатган кунлари ҳазрат Алига: “Эй Али, келинга бир тўй ҳам қилиш керак”, дедилар.

Шунда Саъд ибн Муоз (розияллоҳу анҳу): “Менда бир қўчқор бор!” деди. Ансорлардан бир гуруҳи бир неча соъ жўхори жамлаб келишди. Ана шу нарсалардан тўй зиёфати уюштирилди.

На совчи қўйиш учун бир кичик тадбирнинг маблағи сарфланди, на сарпо учун йиллаб йиғилган мол-дунё кетди. На тўйнинг овозаси етти маҳаллага етказишга ҳаракат қилинди. Шу даҳмазаларсиз, борди-келди, у кам-бу камларсиз осонгина оила тузилди. Ҳеч ким бу тўйнинг бўлишидан озорланмади, ҳеч қандай моддий камчилик тўсқинлик қилмади.

Биз эса...

– совчиликка борамиз, бунинг учун келин бўлажак қизнинг хонадони бир ҳафта ташвишда;

– тўй қиялпмиз, ортимиздан одамлар қарзга берган пулларини сўраб югуришади. Улар оиламга ишлатаман, деб меҳнат қилиб топган пулни биз керакли-кераксиз ҳашамга сарф этамиз-да, кейин “эрта кел, индин кел”, деб сарсон қиламиз;

– етти маҳаллага ош бе-

рамиз, қорни тўқ, қорни очни ажратмай, оқибат ўзимиз йиллаб ёвғон ютамиз;

– битта қизни узатиб ёки бир ўғилни уйлаб, боримизни сарф этамиз. Ортидан бўй етган қизимизга келган совчиларга рад жавобини берамиз, ҳали сарпоси тахт эмас дея;

– қарз кўтариб чарчаган белимизга чорлар қилиб яна юк ортамиз. Яна неча киши овора, яна қанча чиқим.

...Бу каби охири кўринмас ўйлаб топилган, эл кўзига қилинадиган кўргазмали маросим, матоҳлар бизни аслида дунёнинг икир-чикирларига ўраб, бошқа яхши ишлардан, хайрли амаллардан тўсаётганига нима дейсиз? Узатилган қиз ортидан жўнатиладиган икки-уч маҳаллик йўқловлар билан нечта бемор, нечта кўнгли яримларни зиёрат қилиш мумкин. Дабдабали тўйнинг тежалган маблағи билан яна бир етим-есирнинг тўйи ўтади. Бу каби мисолларни истаганча келтириш мумкин.

Яна бир муаммо, келинларга қилинаётган сеп масаласи. Ҳозирги кунимизда ўнлаб кўрпа, кўрпача, шунга тенг

ёстиқ... Мебелни-ку, гапирмаса ҳам бўлади. Уй-рўзгор буюмлари – идиш-товоқдан тортиб, кир ювадиган машинагача. Туғилган кунга телевизор... Келин учун ажратилган иккита хонани керакли-кераксиз буюмлар билан тўлатамиз. Ўша кўрпа-тўшаклар йиллаб тахмонда йиғиқлиқ туради. Хўш, бу исрофнинг, бу уволнинг жавобини ким беради? Динимиз талабларига кўра, ҳар бир нарсанинг жавоби берилади. Битта янги қўйлак олган одам аввалгисини бирор муҳтожга беришга тарғиб қилинади. Бизнинг эса италян мебелимиз кийимнинг кўплигидан зўрға “оғиз” ёпади. Устидаги юк оғирлигидан сандиғимизнинг “бели” букик. Шунча мўл-кўллик, шунча дабдабага қарамай, бахт топа олялпмизми?

Бахт аслида мол-дунё, моддий неъматлар билан белгиланмайди. Инсон бахтли бўлиши учун ҳаётнинг паст-баландига чидаши, рўзгорнинг кам-кўстига кўниши, қаноатли, диёнатли, садоқатли бўлиши керак. Шундай экан, фарзанди “бошини иккита қилмоқчи” бўлган ота-оналар диққатни обрў орттиришга эмас, бўлажак она ва бўлажак отанинг тарбиясига, маданий савиясига қаратсалар, яхши бўлар эди.

**Маффираатхон
СОТВОЛДИЕВА**

Одам савдоси жинояти бугунги кунда дунё ҳамжамиятини жиддий ташвишга солаётир. Ушбу жиноят муайян ҳудуд ёки қитъадагина эмас, аста-секин дунёнинг турли нуқталарига кириб бораётгани учун ҳам хавфлидир. Унга қарши курашиш, олдини олиш бўйича жиддий чоралар кўрилмақда. Бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар жаҳон ҳамжамиятининг ҳақли эътирофига сазовор бўлмақда.

Хусусан, 2008 йили мамлакатимиз парламенти “Одам савдосига қарши кураш

ташқил этади. Уларга тиббий, руҳий ёрдамдан ташқари, иш топишларига ҳам кўмаклашилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг жойлардаги бўлимлари билан биргаликда уларни иш билан таъминлаш масаласи ижобий ҳал қилиб берилмоқда.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозим, одам савдоси жиноятдан жабрланганларни тўғри тушуниб, тикланиб олишларига беғараз ёрдам кўрсатишда мамлакатимизнинг турли



Жабр кўрганларга ёрдамлашамиз

тўғрисида”ги Қонунни қабул қилди. Шунингдек, Президентимизнинг “Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича республика реабилитация Маркази ташқил этилди.

Одам савдоси жабрдийдаларини қулай яшаш ва шахсий гигиена шарт-шароитлари, шунингдек, озиқ-овқат, доривор воситалар ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш, уларга кечиктириб бўлмайдиган тиббий, руҳий, ижтимоий, ҳуқуқий ва бошқа ёрдам кўрсатишдан ташқари, хавфсизлигини таъминлаш, қариндошлари билан мулоқот ўрнатишига кўмаклашиш ушбу марказнинг асосий вазифаларидир.

Бугунгача марказ хизматидан фойдаланган мингга яқин жабрдийдаларнинг 28 фоизини аёллар ва 2,9 фоизини вояга етмаган болалар

идоралари масъул ходимларидан тортиб, оддий фуқароларигача ўзларининг юксак инсонийлик хислатларини намоён этмоқдалар. Хусусан, Марказга мурожаат қилаётганларнинг бўш вақтларини мазмунли ташқил этиб, маданий ҳордиқ чиқаришларида “Ўзбеккино” Миллий агентлиги, Ўзбекистон Миллий академик драма театри ҳамда бошқа маданият муассасалари ходимларининг хизмати алоҳида таъкидга лойиқ. Шунингдек, жабрдийдаларнинг доимий яшаш жойларига етиб олишларига ҳам қатор ташкилотлар ҳомийлик ёрдами кўрсатишяпти. Фурсатдан фойдаланиб, бу борада катта ёрдам бераётган ҳомий ташкилотлар қатори Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг жойлардаги бошқармалари, Бандлик марказлари, прокуратура ҳамда ички ишлар тизими ходимларига миннатдорлик билдирамыз.

Зиёда ФАРҲОДОВА,

Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш республика реабилитация маркази ходимаси

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

ЗИЁРАТЧИЛАР КАМАЯДИ

Саудия Арабистони мусулмон мамлакатларига илтимоснома мактубини юборди. Хатда табаррук заминга ҳаж ёки умра амалини адо этиш учун келатган зиёратчилар сонини вақтинча қисқартириш



баён қилинган. Мамлакат бош муфтийси Абдулазиз Оли Шайх “Қуръони карим” телеканали орқали ҳам бу ҳақда мурожаат қилди. Масжидул Ҳаром ва унинг атрофида зиёратчиларга қулай шароит яратиш мақсадида қурилиш ишлари жадал олиб борилаётганини таъкидлади. 2–3 йил йил мобайнида саудиялик хожи ва умрачилар 50 фоизга, чет эллардан келувчилар 20 фоизга, яъни 2 миллион нафарга камайишини айтди. Баёотда Индонезия, Малайзия, Эрон, Туркия, Покистон, Ҳиндистон ва араб мамлакатларига алоҳида урғу берилган.

САНЪАТ АНЖУМАНИ

Ватикан саройида “Муқаддас калом кўрки” номли кўргазма ўтказилди. Анжуманда мамлакатдаги дипломатик ваколатхоналар, халқаро ташкилотлар вакиллари ва санъат усталари иштирок



эти. Диний қўлэмаларни безаш ва ясатишга бағишланган ушбу тадбирга “Турк ҳаво йўллари” авиаширкати ҳомийлик қилди. Кўргазмада Кай Учар, Мунаввар ва Райҳон Исан каби машҳур рассомларнинг тарихий дурдоналарга туширган безаклари намоиш этилди.

СЕМИРИШ ОҚИБАТИ

Яқин Шарқ ва Шимолий Африка аҳолисининг 36 миллион нафари қанд касалига чалингани аниқланди. Халқаро диабет уюшмаси раиси

Одил Саид 2030 йилга бориб, бундай касаллар сони 72 миллион нафарга етиши мумкинлигини айтди. Профессор, қанд диабетини – бойларнинг касали, дея Форс кўрфазидаги мамлакатларга урғу берди. Уларнинг жисмоний меҳнат қилмаслиги ва ҳаракатсизлиги шунга олиб келганини таъкидлади. Ҳозир Қатар, Саудия, Қувайт, БАА ва Эроннинг 66 фоиз аҳолисининг вазни меъеридан ортиқ эканини қайд этди.

МУТАХАССИСЛАР ФИКРИ

Вашингтон университети мутахассислари 2100 йилга келиб, ер юзида аҳоли сони 11 миллиард нафарга етишини тахмин қилишяпти. БМТнинг 2011 йилги таҳлиллари 87 йилдан кейин сайёрамиз аҳолиси 800 миллионга ортишини маълум қилган эди. Университет мутахассислари эса, улар Африка қитъасидаги туғилиш суръатини ҳисобга олмаганини эътироф этишяпти. ХХI асрда қитъа аҳолиси 4,2 миллиардга, умуман, ер куррасида 9 миллиарддан 13 миллиардгача етиши таъкидланяпти. Хитой, Россия, Оврупа давлатларида аҳоли сони кескин камайиши қайд этиляпти.

ШАҲАРЛАР ОБОД БЎЛАДИ

Саудия Арабистони йирик шаҳарларини ободонлаштириш мақсадида етмиш олти экологик маскан барпо этишни режалаштиряпти. Мамлакатнинг кўкаламзорлаштириш уюшмаси



раҳбари Файсал Фазл лойиҳа бўйича йигирма олти миллиард доллар сарфланишини маълум қилди. Давлат ажратган маблағнинг ярми Риёз ва Жидда кўчаларини кўкаламзорга айлантириш учун ишлатилишини айтди. Ушбу соҳа эгалари озлиги туфайли хорижий мутахассислар жалб қилинишини таъкидлади.

КИНОАНЖУМАН

Дўха шаҳрининг марказий савдо мажмуасида диний йўналишдаги кино анжумани ўтказилди. Тадбирни Туркия маданият ва сайёҳлик вазирлиги ташкиллаштирди. Анжуманда санъат ар-боблари ва Қатардаги дипломатик корпуслар вакиллари иштирок этишди. Кўргазма Маҳсун Қирмизгулнинг “Нью-Йоркнинг беш минораси” номли филми намоёни билан очилди. Кечада кино усталари шу мавзуга оид еттита тасмани ҳавола этишди.



“ҚУРЪОНИ КАРИМ” БОҒИ

Дубайда Ислом санъати ва маданиятига бағишланган янги боғ барпо этиляпти. Шаҳарнинг Хаванай мавзеидаги боғ ушбу боғ майдони олти миш гектарни ташкил қилади. Оромгоҳда муқаддас Китобда номлари келтирилган ўсимликлар ўстирилади ва унда зикр этилган баъзи воқеалар тасвири акс этирилади. Шунингдек, болалар ўйингоҳи, театр, фавворалар ва спорт майдончалари ҳам ўрин олган. Дубайнинг ободонлаштириш уюшмаси раиси Муҳаммад Нур Машрум ҳозир қурилишнинг иккинчи босқичи бошлангани ва келаси йил сентябр ойигача битишини маълум қилди.



ЯНГИ КАСБ ЭГАЛАРИ

Туркия диёнат ишлари вазирлиги йўлбошловчи (гид)лар учун махсус курс ташкил қилди. Ўқув курсида араб тили, Қуръони карим, Ислом тарихи ва шариат аҳкомлари ўзлаштирилади. Диёнат ишлари вазири Меҳмет Гермез бундай қарорга келишнинг сабабини айтди: “Юртимиз масжид ва мақбаралари билан қизиқаётган зиёратчилар тобора ортапти. Мутахассислар сайёҳларга муқаддас зиёратгоҳлар тарихи, пештоқларидаги ёзувлар

маъноси ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўлиқ маълумот беришлари керак. Қолаверса, муқаддас қадамжоларга рўмол ўраб, пойафзални ечиб, эҳтиром билан кириш одоби тўғрисида ҳам тушунча бериш зарур”.

САЙЛОВ ЎТКАЗИЛДИ

Париж марказий масжидида Франция мусулмонлари уюшмаси раҳбарлигига сайлов ўтказилди. Танловда етмиш икки ёшни қаршилаган Далил Абубакр номзоди лойиқ топилди. Профессор 2003 – 2008 йиллари ҳам шу лавозимда ишлаб, катта ислохотлар қилгани ва бошқа дин вакиллари билан дўстона алоқаларни ўрнатгани инobatга олинди. Сайловчилар Абубакрнинг мусулмонлар раънақи ва фаровонлиги учун беназир хизмат қилишига ишонч билдиришди.



МАРКАЗ ТАҲЛИЛИ

Дубай ахборот маркази Ислом динини янги қабул қилаётганлар бўйича навбатдаги йиллик ҳисоботини берди. Сўнгги ўн тўққиз йил мобайнида мусулмонлар сони йигирма мингга ортаганини маълум қилди. Шаҳар жаҳон савдо маркази бўлгани боис, унда икки юзга яқин турли миллат вакиллари бор. Улар орасида Ислом динига ўтаётганларнинг энг кўпи Россия, Жанубий Африка, Хитой, ва Филиппин давлатлари фуқаролари экани қайд этилди.

АХБОРОТ ТЕЛЕКАНАЛИ

Буюк Британияда “Йилнинг энг яхши ахборот телеканали” совринини “Жазира” телеканалининг инглиз тилидаги лойиҳаси қўлга киритди. Ушбу телелойиҳа беш йилдан бери эфирга узатилади. У оммавийлиги жиҳатидан “BBC News” ва “Sky News” телеканалларидан ўзиб кетди. Айниқса, жонли репортаж, интервью ва энг муҳим воқеалар ҳақидаги тезкор лавҳалар “Жазира”га обрў келтирди.

УНИВЕРСИТЕТ КУТУБХОНАСИ

Олмониянинг Оснабрук университети кутубхонаси хазинаси китоблар билан то-



ЎЙИНЛАРГА БЕРИЛИШ ОҚИБАТИ

Халқаро Ислом кенгаши турли совринлар учун уяли телефон орқали ўйналадиган тадбирларда иштирок этиш тақиқланиши ҳақида фатво чиқарди. “Ҳар хил ширкатлар тақдим этаётган қизиқтирувчи ўйинлар Исломда қораланган. Бундай ўйинлар мусулмонларни жалб қилиб, унга муккадан кетишларига сабаб бўляпти. Бошқаларнинг омадсизлиги эвазига ютуққа эришиш ҳамда вақтни бекор ўтказиш мусулмончиликка умуман тўғри келмайди,” дейди кенгаш аъзоси Салмон Аудех.

бора бойитилляпти. Бунда университетнинг 2009 йили очилган исломшунослик кафедрасининг ҳиссаси жуда катта. Профессор-ўқитувчиларнинг саъй-ҳаракатлари билан дунёнинг турли бурчақларидан Ислом динига оид беш минг дона китоб тўпланди.

ҚУРЪОННИНГ ЯНГИ ШАРҲИ

Украинада Қуръони каримнинг хохол тилидаги шарҳи чоп этилди. Оятларни мамлакат миллий университетининг изланувчиси Михаил Якубович шарҳлаган. Шориҳ бундай шарафли вазифани бажариш учун икки йил астойдил меҳнат қилди. У шарҳда Табарий, Ибн Касир ва Фахриддин Розий тафсирларидан фойдаланди. Михаилнинг мақолалари Саудия Арабистонининг “Journal of Qur’anic Research and Studies” илмий журналыда ҳам чоп этилган.



ЯНГИ УЮШМА ТУЗИЛДИ

Тунис Ички ишлар вазири Эннаҳ Али Ларейда фармони билан “Яхшиликка ундаш” уюшмаси тузилди. Уюшманинг шариат, диний фанлар ва адлия масалалари бўйича кўмиталари бор. Уюшма фуқаролар ва сайёҳларнинг шариат қонунларига амал қилиши бўйича назорат олиб боради. Саудия Арабистонида бу иш 1940 йилдан йўлга қўйилган.

ЖАМОА ҚАРОРИ

Испаниянинг “Реал” (Мадрид) футбол жамоаси маъмурияти жамоа тимсолидан хоч белгисини олиб ташлашга қарор қилди. Хоч XX аср бошларида мамлакат қироли бўлган Алфонса XIII тожининг рамзий белгиси эди. Жамоа раҳбарияти Бирлашган Араб Амирликларига сафар қилишидан олдин бу фикрга келди. Ушбу қадам Ислом оламида жамоа ҳақидаги фикрларида чалкашлик уйғотмаслик ва нотўғри тушунмаслик учун қўйилгани таъкидланмоқда. БААга боришдан мақсад эса Рас Хайма оролчасида ўйинчилар учун футбол оромгоҳи барпо қилиш. Дам олиш маскани майдони эллик гектарни ташкил қилади. Қурилишга бир миллиард долларга яқин маблағ ажратилган.

ИМОМЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Финляндия Ташқи ишлар вазирлиги, Таълим вазирлиги, Хелсинки халқаро университети ва мамлакат мусулмонлари уюшмаси кўмагида имомлар фаолиятини ўрғанувчи гуруҳ тузилди. Ҳозир гуруҳ аъзолари Олмония, Франция, Скандинавия, Швеция, Африка ва Осиё давлатларидаги имомлар малакасини ўрганиб чиқиш билан шуғулланишяпти. Мамлакатда олти миш минг нафардан зиёд мусулмон аҳоли истиқомат қилмоқда. Уларнинг диний талабларини қондирадиган ва уларда туғилаётган



турли саволларга она тилида оқилона жавоб бера оладиган даражадаги имомлар тайёрлашга астойдил бел боғлашган.

БЕРЛИН АНЖУМАНИ


Берлин шаҳрида Олмониядаги мусулмон уюшмалари вакиллари анжумани бўлиб ўтди. Тадбир мамлакат ички ишлар вазирлиги бошчилигида ташкил этилди. Унда мамлакатнинг ўн етти федерал вакилликдан мусулмон жамоалари аъзолари иштирок этди. Йиғинда Олмонияда истиқомат қилаётган мусулмонлар ҳаёти ва уларнинг турли муаммолари кўриб чиқилди. Ушбу анъанавий тадбир 2006 йилдан бери мунтазам ўтказиб келинади.

ТАДБИРКОР ҲИММАТИ

“Эбнер & Шпигел” босмахонасида чоп этилган ўн тўрт минг нусха Қуръони карим Швейцариянинг Аарау, Базел, Винтертур, Санкт-Галлен ва Цюрих каби шаҳарлари жоме масжидларига тарқатилди. Бундай хайрия тадбири Олмониянинг ўттиз бешдан ортиқ шаҳарларидаги жомеларда ҳам ўтказилган эди. Бу иш фаластинлик тадбиркор, Олмония фуқароси ҳиммати билан амалга оширилди.

КАР-СОҚОВЛАР УЧУН ҚУРЪОНИ КАРИМ

Америкада илк бор Қуръони каримни имо-ишора тилида мусулмонларга тўхфа этилди. Мисли кўрилмаган ушбу ишни “Global Deaf Muslims”



ҳалқаро Ислом ташкилоти амалга оширди. Дунёда иқтидорли, лекин имконияти чекланган, кар-соқов кишилар бор. Ушбу ажойиб кўринишдаги китобни нашр этишдан мақсад кар-соқовларнинг дилига Қуръони карим оятлари ва маъноларини етказиш ва улкан савобга эга бўлишдир. Унинг биринчи кўриниши интернет саҳифаларида ва DVD дискларда чиқарилади. Ташкилот уни бепул тарқатишга қарор қилган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

АКАДЕМИЯ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Шайх Абдулазиз Мансур шу йил 18–23 ноябр кунлари Саудия Арабистони пойтахти Риёз шаҳрида бўлган ИХТнинг Ислом фикҳи академияси йиғилишида иштирок этди. Имом Муҳаммад ибн Сауд номидаги Ислом университетидан ўтган йиғилишда молиявий муомалаларда эҳтиёткорлик, йўл қодаларини бузган ҳайдовчиларга жазолар, истеъмол моллари ва дори-дармонларга қўшилаётган моддалар, ҳамкорлик суғуртасининг шаръий қонун-қодалари, турли мазҳабдаги кишилар ўртасида яхши муомала каби долзарб мавзуларда маърузалар ўқилди, баҳс-мунозаралар бўлди. Бузғунчиларнинг мусулмонлар орасида фитна чиқариши, араб мамлакатларида давом этаётган кўнгилсиз воқеалар, Исроил-Фаластин уруши мавзуларида баёнотлар тингланди, қарорлар қабул қилинди.

Шайх Абдулазиз Мансур бузғунчилар қутқусига учиб айрим гуруҳларнинг жиҳод номи билан ноҳақ қон тўкишлари мавзусига тўхталди. Сўнгра мажлис иштирокчилари эътиборини яна бир муҳим масала – фазо-йўлдош каналлари, хусусан, Мисрнинг “ал-Фадй” телеканали орқали айрим руҳонийлар Ислом дини, Қуръони карим ва Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шаънларига бўҳтон тошлари отаётганига қаратди. Бундай ишларга барҳам берилмаса, Қуръони каримнинг **“Мусулмон-мўминларга одамлар ичида энг яқин дўст бу – насронийлардир”** мазмунидаги оятига зид ҳолат юзага келиши, низо чиқиши мумкинлигини таъкидлади.

Йиғилишда Ислом фикҳи академиясининг 22-сессияси 2014 йили Қувейтда ўтказилиши эълон қилинди.



Тўғри йўлга бошла, ё Аллоҳ...

Сайёра АВАЗОВА

ДИЛБАНДИНГДАН ВОЗ КЕЧМА, АЁЛ!

Меҳрибонлик уйи деразасидан
Бир қизча кўчага илҳақ кўз тутар.
Мўлтирар, бинонинг дарвозасидан
Онасининг кириб келишин кутар.

Такрорланар бу ҳол ҳар кун бехато,
Тарбиячи опа силар бошини.
Қизчага юраги эзилиб, ҳатто
Бекитиб артади кўздан ёшини.

Эй она! Қайдасан? Қаерлардасан?!
Қайлардан саодат топдинг зиёда?
Дилбандинг дилини минг пора айлаб
Қандай тинч яшайсан ахир дунёда?!

Бегуноҳ гўдакни бағрингдан юлиб,
Виждонинг ухлатиб, ҳузур топдингми?
Ёки эл юрмасин устимдан кулиб
Деб ногоҳ йўл қўйган айбинг ёпдингми?

Ахир бу энг азиз, энг олий тортиқ –
Фарзанд билан уйинг ва бағринг тўлса.
Билсанг, хато йўқдир бундан ҳам ортиқ,
Сен тириг-у, боланг зор етим бўлса.

Хатони ўнглашга ҳали бор имкон,
Кетган йўлингдан қайт, ортга бур изинг.
Йиллардир сени зор, кўзлари гирён
Дераза олдида кутади қизинг!..

Музработ тумани

Ситора ШАМСИДДИНОВА

СЎРА

Қолмаса гар дилдошинг,
Хавотир бўлса ошинг,
Саждага бериб бошинг,
Раҳмондан имон сўра!

Мансаб минса елкангга,
Қўлинг кўрса тўрт танга.
Аллоҳ берар экканга,
Ғаффордан виждон сўра!

Кетса агар ҳаловат,
Қаддинг эгса хиёнат.
Тандан кетганда тоқат,
Сабрдан уммон сўра!

Ўйнатса гар бу ҳаёт,
Қолмаса бир йўл, нажот,
Тавалло қилиб, хайҳот,
Қаҳҳордан имкон сўра!

Умринг топмай ниҳоя,
Вақтинг кетмасдан зое,
“Ла илаҳа иллаллоҳ”
Демоққа бир он сўра.

ТЎҒРИ ЙЎЛГА БОШЛА

Тилимда дуою дилимда оҳим,
Ўзингга аёнди савоб, гуноҳим.
Тақдир ёзуғидан ёлғиз гувоҳим,
Мени тўғри йўлга бошла, ё Аллоҳ...

Ёш дедим ўзимни, хатолар қилдим,
Омонат дилларни кўп бора тилдим.
Бу дунё алдамчи эканин билдим,
Мени тўғри йўлга бошла, ё Аллоҳ...

Имон йўлларида оройиш топай,
Сабр саҳросида шодумон чопай,
Умрим китобини бахтиёр ёпай,
Мени тўғри йўлга бошла, ё Аллоҳ...

ТУНДАН ТОНГГАЧА

Кўк ёпинчиқ киймоқда дунё,
Тугмалари – ёш юлдузчалар.
Суқунатни бузиб, шошқалоқ
Соат тунги созини чалар.

Зухро юлдуз беланди нозли,
Оймомонинг беланчагига.
Юлдузчалар учади гоҳи
Сокин туннинг ҳалинчагига.

Ким ҳадикда тонгни кутяпти,
Яна кимдир кўраётир туш.
Ваҳм солиб афғон этияпти
Симчўпларда безовта бойқуш.

Инграяпти хаста қизалок,
Митти вужуд бўлмоқда беҳол.
Неварасин дардини сўраб,
Кўкка боқиб ўтирибди чол.

Суюнчидан келтирмиш хабар
Эрка ел ҳам шивирлаб аста.
Дунё юзин кўрди мурғак жон,
Тонг ҳам яқин келар бирпасда.

Шодон кезар сабуҳий эпкин,
Гўё шамснинг ғўр парвонаси.
Қай бир жойда айтилди азон,
У мунаввар тонг шукронаси...

ИЛТИЖО

Яшамоқ – умрлик кураш, дедилар,
Тур, ахир, биз билан кураш, дедилар.
Чарчадим, ғурбатлар мени енгдилар,
Фаним бўйи етмас қад бер, Худойим!

Нафснинг ўйинидан асра мени ҳам,
Асло инжитмасин юлғич – ғам-алам.
Сўнгги лаҳзагача бўлайин одам,
Ердан узилмайин, ҳад бер, Худойим!

Отам кўксида жо қуёш бўлай ман,
Онам орзу қилган дилдош бўлай ман.
Ҳаққини савобим билан тўлай ман,
Собит-у барқарор аҳд бер, Худойим!

Зулматни ёритай, армон аритай,
Ҳасадни, риёни буткул қаритай,
Музлаган дилларни шеър-ла эритай,
Ҳақ йўлида тиргак шахд бер, Худойим!

Бердиёр ТОШТЕМИРОВ

НАБИРАЛАРИМГА

Бобонгизман сафарчи, дилкаш,
Олам узра ризқи сочилган.
Қайга бормай кўнглимда йўқ ғаш,
Йўлларимга йўллар очилган.

Туркияда, Кавказда бўлдим,
Россияда юрдим иш излаб.
Гоҳ пул топдим, гоҳ бўлдим асир,
Гоҳ оч қолдим кўчада музлаб.

Унутмадим аммо сизларни,
Ўзурим, жон Ўзбекистоним.
Тунлар зикр қилдим Субҳонни,
Ибодатсиз ўтмади оним.

Бобонгизман мусофир мудом,
Ўқимаган уста мардикор.
Сизлар пухта ўқингиз юртда,
Сизга барча имконлар тайёр.

Узоқдаги буғдой, гарчи зар,
Ота юртнинг сомони яхши.
Қишлоқлар ҳам бўлмоқда шаҳар –
Набирамнинг замони яхши.

Саргардоннинг сабоғи сонсиз,
Сен омон бўл, жонажон диёр.
Олислардан йўллайди дуо
Эллик беш ёш сайёҳ Бердиёр.

ТЎРТЛИКЛАР

* * *

Тик боқиш мушкул иш дўстинг юзига,
Чидаш осон эмас аччиқ сўзига.
Дўст дилдан қойийди, беради танбех,
Сен ҳам яхшилик қил пинҳон ўзига.
* * *

Гарчи бўлсам ҳамки, билимсиз, оми,
Доим дилимдадир ал-Азиз номи.
Нафсини англаган Тангрини танир,
Дилга сурур бергай имон илҳоми.

Ўзгор тумани

Абдуғани ТУРДИБЕКОВ,

ИМОНГА ЭРГАШ

Бу дунё ўткинчи, умринг совурма,
Кейин аттанг қилиб, оҳ уриб юрма.
Аллоҳ юрагингга солганда оташ,
Дўстим, ғофил бўлма, имонга эргаш.

Умринг охир бўлиб, келмасдан ажал,
Беш вақт намозингни ўқинг тугал.
Энг олдин ўзни енг, нафс билан кураш,
Дўстим, кўзингни оч, имонга эргаш.

Дунё молинг бўлса ё қашшоқ қолсанг,
Барига сабр қил, сабр – эм, билсанг.
Гоҳи дунё тору кўнгиб бўлса ғаш,
Дўстим, тойилмагин, имонга эргаш.

Бекобод шаҳри

Четдаги аёл...



Бувилардан бирининг деганлари

“Бурунчилар қаноатли, оқибатли бўлишган. Энди айтсанг, у гаплар эски замонларнинг хикоясидай, янаям тўғриси, эртақдай туюлади. Аммо ҳаммаси бўлган ишлар. Мана, масалан, оиласида эр киши бўлмаган аёллар бўшаган челагини дарвоза олдига чиқариб қўйган. Буни кўрган эркак зоти борки, хонадоннинг эҳтиёжини англаб, челақни сувга тўлдириб, жойига қайтариб қўйиб кетган. Ҳозирчилар “Ростданми?” дейишади ҳайратланиб. Ўша пайтда эса одамлар бунини ҳар кунги вазифаларидек бажаришган. “Эркак ҳайбатли бўлса, аёл ифбатли бўлади”, деган эди бобом бир суҳбатда. Ҳақ гап экан. Аёлини четга жўнатиб қўйиб, ундан келган пулга уй солаётган, рўзғор камларини бутлаб ўтирган эрларни кўрсам, шуни ўйлайман. Неварам айтиб қолди, бир таниши болаларини қайнонасига ташлаб, хотини билан хорижга ишлагани кетган экан. Анчагина йиғинишгач, эр қайтиш ҳаракатига тушибди. Хотини “энди ўрнашганимизда, кетиб қолганимиз яхшимас-да”, дебди. Шунда эрнинг гапини эшитиб, ҳайрон қолдим: “Ростанам ўзимизнинг жойдек бўлқолди, таниш-билишларам бор. Мен кетаман, хоҳласанг, бирпас ишлаб, кейин боравер. Ҳарна рўзғорга қўр бўлади...” Олти ойча бўлибди, эри хотинининг топганини рўзғорга қўр қилиб ўтирибди экан. Аёлнинг иф-

фати қайда қолди-ю, эркакнинг ҳайбати қайга йўқолди? Бобом раҳматлининг яна бир гаплари бўларди: “Қаноати бўлмаган одамнинг ҳаловати бўлмайди”. Балки ҳозирчилар учун эски гапдир, аслида, ҳеч эскирмайдиган гап шу...”

Аёллардан бирининг деганлари

“Кечаги кун маҳаллада катта йиғилиш бўлди. Аёлларнинг хорижга бориб ишлаши, одам савдосига қарши кураш ҳақида гапиришди. Алданганлар, сотилиб, кейин бир амаллаб қайтиб келганлар ҳам кўп экан-да! Лекин, фикримча, ўша алданганлар ҳам у даражада содда бўлмаса керак, чунки ҳозир ҳамма анча қув бўлиб кетган. Йиғилишда ҳам айтишди, кўпчилик кўра-била туриб кетаркан. Бўлмаса, телевизорда, матбуотда неча марта огоҳлантириляпти. Хаёлим эримга кетди, шунча кетманг десам ҳам, синглимнинг тўйига пул йиғмасак бўлмайди, деди. Бир нарса десанг, қайнсингиллар: “Укамнинг бизга қилганларидан дарров ғашланяпсизми?” деб жанжал қилишади. Индамадим, кетди. Бўлмаса, рўзғоримиз жуда тўкин бўлмаса ҳам, тирикчилик ўтиб турувди. Мен-ку, қаноат қилавераман-а, қайнсингиллар қўйишмади-да. Кетганига бир ой бўлгани йўғ-у, кўчада болаларини етаклаб кетаётган оталарни кўрсам, юрагим эзилади. Болалар дадасини соғинишади, турмушда ҳар хил кун бор, эримнинг далдаларига эҳтиёж сезаман. Шом бўлгани сари болалар ҳам, ўзим ҳам дарвозага қарайверамиз. Шу керакмиди, дейман ўзимга-ўзим. Очин-тўқин яшасак ҳам майли, бирга, оила бўлиб яшаш муҳиммасми? Мана, бир танишимиз четга кетувди, ишлади, пешма-пеш пул юборди, данғиллама уйлар солишди, кейин эса... ўлигини олиб келишди. Ёшгина хотини иккита бола билан қолди. Энди у уй, у иморатлар кўнглига сиғадими? Шунақа десам, қайнсингилларим юмма талашди, ниятимни яхши қилай экан, унинг ўрнига дуо қилай экан. Дуо қилмасмидим, уларнинг акаси бўлса, менинг эрим, болаларимнинг отаси-ку! Ёмон ният қилмадим, бор гапни айтдим, холос.

Хотинлар шу-да, гапни йиғилишдан бошловдим, ўзимнинг дардимга чалғиб кетибман. Сўзга чиққанлар аёлларга анча насиҳат қилишди. Ўз ихтиёрларинг билан алданманглар, хорижда ҳам боришингиз билан катта пулни қўлингизга тутқазиб қўйишмайди, ҳаракат қилсангиз, шу ерда ҳам топиш мумкин, дейишди. Ёнимдаги бир аёл тўнғиллади: “Э, бу ерда ҳаммага ақл ўргатишади, тирикчиликнинг нималигини билармикан шулар? Четга кетаётган аёллар ҳам ҳавасга кетмаётгандир, ҳеч тўлмайдиган рўзгор, ейман-ичаман деган болалар, уй солиш, тўй қилиш...” Ёнимизда ўтирган онахон эса мийиғида кулиб, менга қаради: “Қаноатсизлик, орти кўринмайдиган орзу-ҳаваслар бизни шу кўйга солди. Бежиз айтишмаган: “Аёлнинг топгани юзга етсаям, тузга етмайди”. Эркакнинг топганида барака бор. Эрининг, оиласи эркакларининг риоясини қилган аёл аёллигида туради, сабр қилади. Ҳозирги хотинларнинг нолишлари қулоқни ёради. Мундоқ қарасанг, ҳеч бўлмаганда ҳаммасининг қулоғида битта тилла сирғаси, қўлида битта олтин узуги бор. Ҳатто очарчилик пайтидаям одамлар бунчалик шикоят қилмаган. Бир нарса десанг, орзу-ҳавасдан, яхши яшашдан, бахтдан гапиришади. Тушунмайман, яхши яшаш, бахт деганда нимани тушунар экан булар?”

Онахон ҳақ, майли, эркаклар-ку, рўзгор тебратишлари керак, лекин аёллар-чи? Яқинда ёнимиздаги гўзаллик саломида ишлайдиган аёл четга кетаман, деб қолди. Ҳайрон бўлдим, чунки ҳар куни қўлига кам деганда 30–35 минг тушишини ўзи айтувди. Кийиниши, пул сарфлаши ҳам яхшигина. Шуларни айтсам: “Мана шу ҳаётга овуниб юравермайман-ку, одам атрофга қараб, яхши яшагиси келади-да”, деди.

Вақти келса, битта картошка, битта сабзи, озгина гуруч ёки макарондан овқат қиламан. Шунини ўйлаб туриб, онахоннинг саволига хаёлан жавоб бердим: бир аёлнинг бахти оиласида. Яхши яшаш эса... Бош суқадиган бошпананг, ҳалолу пок топилган обиёвғон ва дастурхон устида кулишиб, яйраб ўтирган оила аъзоларинг. Асосийси ҳаётдан нолимайдиган тил, бориға шукр қиладиган хузурли қалб... Моддиятми?

У жудаям етишиб бўлмайдиган нарса эмас, Худойим бераман деса, Ўзига осон”.

Синглаимнинг деганлари

“Биз билан бирга ишлайдиган турмушидан ажралган опа бор эди. Чет элга ишлагани кетди. Бир неча кун ўтар-ўтмас, ишхонага кириб келаётганини кўриб, ҳайрон бўлдик. Билсақ, кетганини эшитган тоғасининг ори келиб, борибди-да, олдига солиб қайтариб олиб келибди. Бир оғиз сўз айтибди: “Худого шукр, биз тирикмиз, ўлганимиз йўқ. Ўлган тақдиримизда ҳам бир гапимни қулоғингга қўйиб ол: аёл – номус дегани, хонадони эркакларининг ори дегани. Шундай бўлгач, бизнинг номусимиз, оримиз билан ўйнашма!”

Менинг деганларим

Эшитганларимни борича келтирдим, улардан ошириб бир нарса деёлмасам керак. Хулоса чиқариш барчага ҳавола...

Зумрад ФОЗИЛЖОН қизи



«Миграция, меҳнат ва хавфсизлик»

Йигирма биринчи аср глобаллашув асридир. Яъни, дунё яхлитлашмоқда ва бу жараён мамлакатлардаги ижтимоий табақалар ҳамда мамлакатлараро ҳаёт даражаси, турмуш тарзининг тафовутлари билан қоришиб, трансчегаравий миграция жараёнларини кучайтирмоқда. Бугун дунёда 300 миллиондан зиёд меҳнат мигрантлари борлиги, уларнинг фаолияти доирасида 400 миллиард АҚШ доллари миқдориди маблағ айланаётгани айтилмоқда. Бу жаҳон иқтисодиётига ва ижтимоий ҳаётига катта таъсир этаётгани сир эмас.

Мамлакатимиз ҳам жаҳон иқтисодий ва сиёсий жараёнларига интеграциялашаётган юртдир ва миграция жараёнлари бизни ҳам четлаб ўтмаган. Мазкур жараённи қонуний йўлга солиш, меҳнат миграциясининг салбий оқибатлари – одам савдоси сингари иллатларнинг олдини олиш учун юртимизда давлат миқёсида тадбирлар кўриляпти. Шундай тадбирлардан бири ўлароқ Ўзбекистонда 2012 йилнинг кузидан бошлаб ўзбек, рус ва инглиз тилларида «Миграция, меҳнат ва хавфсизлик» – «Миграция, труд и безопасность» – «Migration, labor and security»

журнали чоп этилмоқда. Муассис – Ўзбекистон Республикаси Ташқи миграция агентлиги, Чет элга кетаётган фуқароларни жўнаб кетишдан олдинги мослаштириш ва ўқитиш марказидир.

Журналнинг асосий вазифалари ҳамда мақсадлари фуқароларни чет элларда ишлашга оид ҳақ-ҳуқуқларини тарғиб этиш, миграциянинг қонуний йўллари кўрсатиш ва ноқонуний миграциянинг салбий оқибатларидан огоҳ этиш, миграция ва одам савдосига оид халқаро ва миллий қонунчилик меъёрларини чоп этиш ва шарҳлаш, меҳнат миграциясига доир маълумотлар тақдим этиш, мигрантларнинг юрти билан маданий, маърифий алоқаларини мустаҳкамлаш ва бошқалардир.

Журнал тахририяти ва муаллифлари хорижга меҳнат қилиш учун кетаётган фуқароларимизнинг Ватани, халқи ва оиласи билан ҳамнафас бўлиб қолишларида кўмаклашишни истайди. Бошқа мамлакатларда фаолият юритаётган юртдошлар

римизнинг феъли, маданияти, маънавияти, ўзини тутишига қараб, ўша мамлакат аҳли юртимиз ва одамларимиз ҳақида хулоса чиқаради. Шу боис четга чиқаётган одам миллатимизнинг шаъни, қадр-қимматини баланд тутмоғи керак.

Сир эмас, ўзга юртда юрган юртдошларни ўша мамлакат тилига, урф-одатларига олдиндан ўргатиш уларнинг жамиятга мослашишлари ва ўзликларини асрашлари учун муҳимдир. Ўзликни англатувчи мақолалар ҳам журналнинг мундарижасини белгилайди. Борган юртдаги қонунларга риоя этиш, аҳолининг урф-одатларига муносиб ёндашиш керак.



Хориждаги юртдошларни ОИТС сингари хавфли хасталиклардан асраш баробарида уларнинг қалбини асраш ҳам керакдир, чунки уларни ўзига оғдиришга уринадиган бузғунчи оқимлар йўқ эмас. Биз юртдошларимиз қаерда бўлсалар ҳам соф исломий ақидаларимизга содиқ бўлишларини, мутаассибликдан сақланишларини истаимиз.

Биз журналда хорижга қонуний ишлаш учун бориш йўл-йўриқларини, афзалликларини ёритамиз, ноқонуний йўлларнинг, одам савдосининг

салбий оқибатини кўрсатамиз. Ҳамма ерда қораланадиган террорчилик, кўпоровчилик билан машғул тўдалардан, сиёсий ўйинлардан мигрантларни огоҳ этишга ҳаракат қиламиз.

Журналимизда хориждаги ватандошларимизга юртни эслатиб туриш учун юртнинг шаҳарлари, одамлари, ислохотлар жараёни ҳақида ҳам мақолалар ёритилмоқда. Халқимизнинг миллий қадриятлари, маросимлари, овқат пишириш сирларигача маълумот берилмоқда. Қолаверса, юртдошларимиз миллий маданиятимизни ўзга юртларда ҳам тарғиб қилишларини хоҳлаймиз.

Миграция жараёнининг муқаррар, кўп-қатламли ва кўпқиррали жараён экани аниқ. Унинг қонунийлашуви, такомиллашуви учун халқаро ва минтақавий даражада бир ёқадан бош чиқариб, жиддий ҳаракатлар қилиниши зарур.

Карим БАҲРИЕВ,
журнал бош муҳаррири

Дангасалик, ишёқмаслик эса, аввало инсоннинг ўзига, ундан кейин бошқаларга ҳам зарар еткази. Дангаса одам ҳаётда истагига эришолмайди. Ваҳоланки, бу ҳаёт доимий ҳаракатда, ўзгариш ва янгиланишда бўлиб, бир босқичда тўхтаб, қотиб турмайдиган жараён дир. Маълумки, ҳар бир оиланинг ўзига яраша кам-кўстлари, эҳтиёжлари бўлади. Фарзандлар ўсиб-улғайиб оёққа тургунига қадар уларнинг таъминоти билан шўғулланиш керак. Лекин оила бошлиғи танбал ва ишёқмас бўлса, ортиб борувчи эҳтиёжлар охир-оқибат уни боши берк кўчага олиб киради. Энди у жамиятдан, давлатдан нолий бошлайди.

ДАНГАСАЛИК БАЛОСИ

Дангасалик иллоти қайси халқда илдиз отса, албатта, уни заифлаштиради, тараққиёт карвонидан ортда қолдиради ва вайрон қилади. Бу касаллик қайси шахсга етса, уни хор қилади, обрўсидан айиради. Одамлари танбал, дангаса бўлган, илму фан ривожланмаган, қонун топталган юрт умуман ривож топмайди.

Дангасалик бекорчилик иллатини келтириб чиқаради, ёки аксинча: бекорчилик дангасаликка олиб боради. Чунки қиладиган ишининг тайини йўқ одам вақт бўшлиғини кўпинча бефойда нарсалар билан тўлдиради.

Бекорчилик энг зарарли офатлардан биридир. Ақлли инсон бу дунёда бекор турмайди. Ҳатто бўш вақтини ҳам зое қилмайди. Балки ё дунё, ёки охирач учун фойдали бўлган ишларга сарфлайди.

Бекорчилик секин-аста инсонни ишдан чиқаради, ҳаётини вайрон қилади. Тана аъзолари ҳаракатсиз қолса, ишдан чиқади, заифлашиб қолади. Спорт мана шунинг учун чиқарилган. Худди шу каби қалбнинг ҳам ўз риёзати (спорт) бўлиши керак. Зеро, бекорчилик биринчи галда қалбга, нафсга ҳужум қилади. Шу боис ҳам ҳазрат Умар (розияллоҳу анху): “Нафсингни фойдали нарсалар билан машғул қил, акс ҳолда уни зарарли нарсалар эгаллаб олади”, деб бекорчиликдан огоҳлантирганлар.

Дангасалик, ишёқмаслик барча кулфатларнинг бошидир. Камбағаллик айб эмас, аммо у ялқовлик сабабидан келган бўлса, катта айбдир.

Танбаллик ва дангасаликни келтириб чиқарадиган бир неча сабаб ва омиллар мавжуд бўлиб, ожизлик ҳам шулар жумласидан ҳисобланади. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) марҳамат қилиб дедилар: “Кучли мўмин кучсиз мўминдан яхшироқ ва Аллоҳга маҳбуброқдир, лекин ҳар иккисида ҳам яхшилик бор. Сенга фойдали бўлган ишларга ҳарис бўлгин ва (ишингда)

Аллоҳдан ёрдам сўрагин, лекин ҳаргиз ожизланмагин!” (*Имом Муслим, Имом Аҳмад ва Ибн Можа ривояти*). Ушбу ҳадисда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мўминларни фойда ва манфаат келтирадиган ишларда Аллоҳдан мадад сўраган ҳолда фаол, ғайратли ва пешқадам бўлишга тарғиб қилганлар, ожизланиш ва иккиланиш, журъатсизликдан қайтарганлар.

Кўп уйқу, кўп ейиш ҳам ялқовликка сабаб бўлади. Чунки кўп ухлайдиган одамнинг баданлари бўшашиб, камҳаракат бўлиб қолади, ғафлат ва роҳатга берилади. Асосий вақти шу йўсинда ўтгач, ўз-ўзидан кўплаб фойдали ишларни ўтказиб юборади. Ибн Қаййум айтади: “Кўп ухлаш қалбни ўлдиради, жасадни ишдан чиқаради, вақтни зое қилади ҳамда ғафлат билан дангасаликни чақиради” (*“Мадориҷус соликин”*).

Кўп еб-ичиш ҳам шундай, баданни семиртириб, оғирлаштириб қўяди. Тўйиб овқат еганда жасаддаги куч-қувват захираси овқатни ҳазм қилишга йўналтирилгани учун инсон тани бўшашиб, уйқуга майли кучаяди.

Динимиз пешона тери билан топилган мол-мулк қўлга киритилган нарсаларнинг энг яхшиси ва ёқимлиси эканини таъкидлаш баробарида ишёқмаслик, танбаллик, бекорчилик, тиланчилик, ўзгаларга юк бўлиш каби иллатлар гирдобига тушиб қолишдан огоҳлантириб, бу каби зарарли одатларни қаттиқ танқид остига олади. Агар динимиз таълимотларини диққат билан ўрганиб, ундаги ўғит ва қайтариқларнинг ҳикмати борасида теранроқ тафаккур юритадиган бўлсак, у инсониятнинг бу дунёсини обод ва мазмунли, охирач эса саодатли қиладиган ишларга буюрганига гувоҳ бўламиз. Дунёнинг ободлиги эса фақат яхши амаллар билан, меҳнат ва тадбир билан ҳосил бўлади.

Раҳматуллоҳ САЙФУДДИНОВ,
«Хўжа Аламбардор» жомеи имом-хатиби

Дуо ибодат мағзидир

Халқимиз табиатан дуогўй. Маросим ва таъзияларни кўя турайлик, ҳатто икки киши учрашиб қолса ҳам, саломдан кейин албатта, бир-бирини дуо қилади. Халқимиз хоҳ ибодатларда бўлсин, хоҳ маросимларда бўлсин эл фаровонлиги, Ватан тараққиёти ва юртимизда тинчлик-осойишталик бўлиши сўраб дуо қилади. “Кўпники кўл бўлади”, дейишади-ку, ахир.

Дуо қалбни Аллоҳ таолога боғлайдиган улуғ ибодатлардан биридир.

Аллоҳ таоло дуо қилишни буюрган ва дуони ижобат этишни ваъда қилган:

“Менга дуо қилингиз, Мен сизлар учун (дуоларингизни) ижобат қилай!” Албатта, Менга ибодат қилишдан кибр қилган кимсалар яқинда тубан ҳолатда жаҳаннамга кирурлар» (Ғофир, 60).

«Сиздан (эй Мухаммад,) бандаларим Мен ҳақимда сўрасалар, (айтинг) Мен уларга яқинман. Менга илтижо қилувчининг дуосини ижобат этурман...» (Бақара, 186).

«Раббингизга зорланиб ва хуфёна (овозсиз) дуо қилингиз! Зеро, У (дуода ва бошқада) ҳаддан ошувчиларни ёқтирмас» (Аъроф, 55).

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Қайси бир банда Аллоҳ таолодан сўрамаса, Аллоҳ таоло у бандадан ғазабланади”, деб огоҳлантирганлар. Чунки дуо қилмаслик, ҳожатини Аллоҳ таолодан сўрамаслик такаббурлик, манманлик, ғофиллик ва жоҳиллик аломатларидан биридир. Аллоҳ таоло такаббурларни, золимларни ва фосиқларни севмайди. Банда зарурат ва ҳожат онда Аллоҳ таолога дуо қилса, иши ва ҳожати битгач, Аллоҳ таолони унутса, бу ҳам жоҳилликдан нишонадир. Ҳақиқий мўмин банда ҳар замон, ҳар қандай ҳолатда Аллоҳ таолони ёдда тутаяди

ва Аллоҳ таолога доимо дуо ва ёлворишда бўлади.

Қайси тилда дуо қилинса ҳам бўлаверади. Лекин талаффузини ўрнига қўйиб ва маъносини билган ҳолда, араб тилида дуо қилиш афзалдир.

Бирор ҳожат ва муаммо бўлганида дуо қилиб, фақат дуонинг натижасини кутиб ўтириш суннатга хилофдир. Ҳазрат Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шифо ё сафардан соғ-омон қайтиб келишни сўраб дуо қилардилар, шу билан бирга шифонинг ҳам, сафарнинг ҳам барча тадоригини кўрар, муаммо бўлса, уни ҳал этиш чораларини излар эдилар.

Инсон ўзининг ожизлигини ва заифлигини хис қилган ҳолда дуо қилиши, Аллоҳ таолонинг меҳрибон ва марҳаматли эканини билиши ва Унинг лутфидан умид қилиши лозим. Дуо қилаётганида тилида бошқа гап ва хаёлида бошқа гап бўлмаслиги керак. Банда бутун вужуди ва қалби билан дуо қилиши лозим.

Анардан (розияллоҳу анху) ривоят қилинади: Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўп такрорлайдиган дуолари ушбу ояти карима бўлган:

“Эй Раббимиз, бизга бу дунёда ҳам яхшилик ато этгин, охиратда ҳам яхшилик (ато этгин) ва бизни дўзах азобидан асрагин” (Бақара, 201).

Луқманинг пок бўлиши дуонинг ижобат бўлиш шартларидандир. Луқма ҳаром бўлса, дуо ижобат бўлмайди. Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратлари айтганларидек: “Дарвешларнинг халқи мурдор, ўтмас дуо...”

Ҳар бир мўмин-мусулмон банданинг дуоси ижобат бўлади. Ҳадисларда дуоси мутлақо ижобат бўладиган кишилар зикр этилган. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху) ривоят қилади: «Пайғамбаримиз

(соллаллоху алайҳи ва саллам) бундай деганлар: “Уч кишининг дуоси шубҳасиз қабул бўлади: мазлумнинг дуоси, мусофирнинг дуоси, ота-онанинг фарзанди ҳақиқа қилган дуоси”».

Киши хоҳлаган пайтда дуо қилиши мумкин.

Пайғамбаримиз (соллаллоху алайҳи ва саллам) буюрадилар: “Уч ерда қилинган дуо рад этилмайди: кишининг Аллоҳдан бошқа кўрмайдиган ерда қилган дуоси; душман қаршисида туриб қилинган дуо; тун ярмида туриб қилинган дуо”.

Мазҳаббошимиз Имоми Аъзам (раҳматуллоҳи алайҳ) охирги нафасда имон билан кетишни сўраб, кўп-кўп дуо-илтижо қилишни буюрганлар. Чунки муборак ҳадисларда сўнгги нафасда калима қайтариб, имон билан жон берган кишининг жаннатга кириши башорат қилинган. Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларида шунга ишора қилиб ёзганлар:

*Дуога ёри берса ҳар мусулмон,
Ўлар вақтида элтгай нури имон.*

Суннатга мувофиқ дуо қилиш лозим. Умар (розияллоху анху) дедилар: “Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) дуога икки қўлларини кўтарсалар, уларни албатта юзларига суртар эдилар”. Булар дуонинг суннат ва одобларидандир: қиблага қараб, икки қўлини кўкрак тўғрисида кўтариб, икки кичик бирмоғи учларининг ёнини бир-бирига теккизиб, кафтининг ичини ўзига қаратиб дуо қилиш; дуони бошлашда ҳамду сано ва салавот айтиш; ихлос ва собитлик билан, ижобат бўлишидан умид қилган ҳолда дуо қилиш; дуони уч марта такрорлаш; паст овоз билан, ёлвориб ва илтижо қилиб дуо қилиш; дуодан сўнг “омин” дейиш; бировни дуо қилаётганда аввало ўзидан бошлаш (Пайғамбаримиз (соллаллоху алайҳи ва саллам) шундай қилар эдилар); ўзи ва бошқалар ҳақиқа ёмон дуо қилмаслик, тавба қилган ҳолда, жамловчи (дунё ва охираат саодатига далолат қиладиган) сўзлар билан дуо қилиш лозим.

Дуонинг хислати ва фазилати кўп. Шу боис дуонинг шари ва одобларига риоя қилган ҳолда ўзимиз учун, фарзандларимиз ва ўтган аждодларимиз учун, эл-юрт фаровонлиги, дунё тинчлиги ва Ҳазрат Муҳаммаднинг (алайҳиссалом) умматига Аллоҳдан раҳмат ва офият тилаб хайрли дуоларда бўлишимиз мўминлик бурчимиздир.

Илоҳо, халқимизнинг хайрли дуолари ижобат бўлсин, нурли орзулари амалга ошсин!

Сайфиддин САЙФУЛЛОҲ,
филология фанлари номзоди

Хотиржамлик маскани

Кўнгил баъзан дунё ташвишларидан бешиб кетади, ғам-ташвишлардан йироқ бўлишни истайди. Шундай пайтларда бутун вужудим, қалбим билан Аллоҳнинг уйи сари ошиқаман. Қандоқ ҳам ошиқмай, ахир! Киши унга томон қўйган ҳар қадамига ажр олса, у ерда қилинган ибодатга зиёда мукофотлар белгиланган бўлса, ташвишлардан ҳориган вужудимга ором, хотиржамлик инса, ошиқмайдими?!

Бу масканда намоз ўқиб, Қуръон тиловат қилиб, тиллар, диллар яйрайди. Кўнгил Аллоҳга боғланади.

Бу масканда барча баробар, кишилар бой-камбағалга, оқ-қорага ажратилмайди. Бунда битта ўлчов бор – мусулмонлик!

Бу масканда мусулмонларнинг ҳамжиҳатлиги, “ака-укалардай яқинлиги, бир-бирининг дарду қувончига шериклиги гўзал ҳаёт тарзи яна ҳам яққол кўринади. Ҳамма муқтадий бўлиб, охираатда энг олдин сўралувчи намозларини бир киши – имомга топширади. У эса шунча юкни зиммасига олиб, ҳамма учун намоз ўқиб беради.

Бу масканда кишилар фаришталар саф тортгандек саф тортади, ҳамма бир томонга юз буриб, ягона мақсад – Аллоҳ розилигини кўзлаб, ибодат қилади.

Бу масканда барча биргаликда намозни адо этиб бўлгач, Қуръони карим тиловат қилинади. Муборак Калом оятлари кўнгилларга сакинат бахш этади. Сўнгра Аллоҳ таолога ҳамд айтиб, Уни улуғлаб барча зикрда бўлади.

Ва ниҳоят, дуога қўл очилади. Бунда ҳам ушбу масъулиятли ишни имом зиммасига олади, бошқалар эса бу эзгу дуолар ижобати учун “Омин!” деб туришади. Қанчалар яхши ҳолат! Бир мақсаддаги кишилар бир киши бошчилигида дуоларни қабул этгувчи ягона Зот – Аллоҳ субҳонаху ва таолога юкунадилар, ёлворадилар...

Бундай жойга, хотиржамлик, хузур масканига ошиқмай бўладими?!

Ғиёсиддин МУҲАММАД ЮСУФ

АҚШдаги ватандошларимиз

Ҳозир Америкада уч юз минг нафарга яқин ўзбек яшайди. Дастлаб, ўтган асрнинг 60–70-йиллари ўн мингга яқин ўзбек оилалари бу ўлкада қўним топишди. Бир неча минг нафар ўзбеклар 80-йилларда Туркия ва Афғонистон орқали ўтишган. Ўзбекистон мустақиллигидан кейин ҳар йили салкам икки минг фуқаро АҚШ ҳукумати тақдим этаётган «Яшил чипта» соҳибига айланяпти.

Инглиз тилини яхши ўзлаштирган ва ўқишни давом эттириш учун келган ёшлар юқори малакали мутахассис бўлиб, Ватанга қайтиб, танлаган соҳаларида ишни давом эттириш учун аниқ мақсад сари интилишяпти.

Бугун улар фақат ишчи эмас, балки тадбиркор, ўқитувчи, профессор, адвокат, учувчи ва ҳатто ҳуқуқшунос бўлиб давлат ташкилотларида ишлашяпти. Давлат мутахассислари кузатувларига кўра, Америкада турмуш кечириётган миллатлар орасида ўзбеклар ўзининг қонунга итоатлилиги, меҳнатсеварлиги, инсонпарварлиги ва меҳмондўстлиги билан алоҳида ажралиб тураркан.

Ватандошларимиз нафақат АҚШ жамиятининг бир қисми, балки ўзбек миллий маданияти, қадриятлари ва урф-одатларининг муҳим бўғини сифатида ҳам мазмунли ҳаёт кечиришмоқда. Бунда, албатта, миллатимиз, халқимиз равнақи, маданиятимиз тарғиботига бағишлаб ўтказилаётган турли тадбирларнинг аҳамияти катта. Ҳар йили Ўзбекистоннинг Америкадаги элчихонаси юртимиз мустақиллиги, Наврўз ва ҳайит байрамларига бағишлаб ватандошларни тадбирга таклиф қилади ва шодиёналар кенг нишонланади.

Юрtdошларимиз ташкил этган «Туркистон-Америка» уюшмаси ва «Ўзбек Америка» жамияти у ердаги ўзбекларни бирлаштириб туради. Ватандошларимиз Пенсилвания, Филадельфия, Техас, Чикаго ва янада узоқ штатларда умргузаронлик қилмасинлар, уларнинг ҳолидан хабар олиб туришади. Жамият миллий қадриятларимизни сақлаб қолиш ва ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш мақсадида турли анжуманлар ўтказишади. Уларга ош, ҳалим ва сумалак каби миллий таомлар тортиқ қилинади. Бундан ташқари, уюшма ўн йилдан бери мунтазам Рамазон ойида Ўзбекистондан мураттаб қориларни таклиф қилишади. Қориларимиз у ердаги жоме масжидларида хатмга ўтиб, маърузалар қилишади ва уларнинг саволларига жавоб беришади.

Америкада бир гуруҳ ўзбекистонлик ташаббускор ёшлар етакчи мутахассислар билан ҳамкорликда инглиз тилида «The Uzbek Times» журнали ва ўзбек тилида «Ватандош» газетасини чоп этишяпти. Журнал ва газета, аввало, буюк аждодларимиз ҳаёти ва ижоди, ўзбек миллий анъаналари, ватандошларимиз ютуқ ва муаммолари, турмуш тарзи ҳақида маълумот беради. Газета ойда, журнал эса ҳар фаслда бир марта чоп этилади.

Америкалик ўзбекларнинг ҳам орзуси киндик қони тўкилган она юртга қайтишдир. Албатта, кўчада миллатдошини кўриб, Ватанни эслаганида, она заминнинг муқаддас тупроғи қай даражада ўзига тортишини фақат ҳижронда яшаётган одамгина ҳис этиши мумкин.

Азизхон ҲАКИМОВ
тайёрлади.